



# Китобсевар оиланинг илемли қизи



**Ж**иззах вилоятининг Фаллаорол туманида туғилган Азиза Абдувалиева Тошкент педиатрия-тиббиёт институтида грант асосида таҳсил оляпти. Китобга муҳаббати ҳали кичик синф-лигидаёқ бу қизни устозлар назарига туширди. Билимлар беллашуви – фан олимпиадаларида фаол иштироки ва юқори ўринларни олиши уни халқаро мусобақаларда олтин медални қўлга киритишга тайёрлади.

– Мактабда биологияга қизиқиб қолдим. Бу фанни астойдил ўргана бошладим. Натижада фан олимпиадасида фаол иштирок этардим ва яхши ўринларни олардим. Мак-

табни тамомлагач, Тошкент педиатрия-тиббиёт институти академик лицей талабаси бўлдим. Бу масканда билимларимни янада мустаҳкамлаш ва ўзимни халқаро даражада синаб кўриш имкони бўлди. Устозим билан биргаликда 2021 йили Лиссабондаги XXXII халқаро биология олимпиадасига тайёргарлик кўрдик. Ўзбекистон шарафи учун бўлган бу мусобақада олтин медални қўлга киритдим. 2022 йилда XXXIII фан олимпиасида ҳам қатнашиш насиб этди. Еревандада бўлиб ўтган мусобақада бронза медали совриндори бўлдим. Шунингдек, Зулфия номидаги давлат мукофотини ҳам олдим. Буларнинг барча-

си бугун таҳсил олаётган Тошкент педиатрия-тиббиёт институтига грант асосида киришимга сабаб бўлди.

– Эндиғина 18 га тўлган бўлсангиз ҳам, шунча ютуқларга эришгансиз. Бироқ бу жараён осон бўлмагандир. Сабаби, илмга бўлган қизиқиши тарбия билан бир бутунликда шаклланади. Шундай эмасми?

– Болалигимда онам эртаклар айтиб берарди. Кеийин улғайиб билдимки, улар эртакмас, Пайғамбаримиз Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақларидаги ривоятлар экан. Ота-онага эҳтиром, илмга ошнолик, инсонларга яхши муносабат ана ўша “Эртак”лар асосида шаклланган. Бироз катта бўлганимиздан сўнг қўлимизга пул бериб, китоб дўконига юборишарди.

Бу билан ўзимизнинг қизиқанларимизни танлаб олиш ва пул сарфлашни ҳам ўргатишган экан. Янги чиққан китоб борки, албатта, китоб жавонимиздан жой эгалларди. Баъзан кийимга ёки овқатга пул топилмаса-да, керакли китобни сотиб олардик.

– Ҳаётимизга кириб келган гаджетлар китобга бўлган қизиқишини сувайтирди. Баъзида китобни телефон орқали мутолаа қилаётганларни ҳам кўрамиз. Бироқ қўлида китоб кўтарганлар саноқли. Ўша китоб ҳам бирор фан ёки зарурат учун ўқиласи, бу ҳақда сиз нима дейсиз?

Давоми 6-бетда

# Мундағыжы

Ёшлар – келажағымиз

Китобсевар оиланинг илмли қизи ..... 1

*Отинойи минбари*

Қўшнингиз ёмон бўлса, сабр қилинг ..... 3

*Ҳадисдан фойдалар*

Умиддан қўрқув устунроқ бўлсин ..... 4

*Мўминларнинг оналари*

Қуръонда зикри келган аёллар ..... 5

*8 декабрь – Конституция куни*

Аёллар ҳақида Аллоҳдан қўрқинг ..... 7

*Саҳобиялар ибрати*

Динини дунёдан устун кўрган аёл ..... 8

*Долзарб мавзу*

“Капалакли қўйлак керакмас...” ..... 10

*Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 80 йиллиги*

“Жўйбори Калон” ..... 12

*Билимсизликнинг давоси*

Аёл маҳрини олмасдан вафот этса... ..... 14

*Хурофот – динимизга ёт*

Фолбин – сеҳргар, сеҳргар эса... ..... 16

*Оталар сўзи*

Эй қизим! ..... 18

*Хушёрлик*

Қўйдек “ювош” бузғунчилар ..... 19

*Динимизни ўрганамиз*

Ҳомиладор аёл ва ҳомилага доир

масалалар ..... 20

*Бугуннинг гапи*

Қизнинг розилиги шарт ..... 22

*Огоҳлик*

Гиёҳвандлик – жонга хиёнат ..... 23

*Мулоҳаза*

Аёл соғлом – жамият соғлом ..... 24

*Ошхона одоблари*

Юракка даво талбина ..... 25

*Ҳар ҳолатда яхшидир*

Ғам-андуҳни кетказишнинг 27 йўли ..... 26

*Улуғларнинг оналари*

Боязид Бистомий

раҳимаҳуллоҳнинг онаси ..... 27

*Ёмонликдан қайтариш*

Оилавий зўравонлик – иймон заифлигидан ..... 28

*Мутолаа*


Ўгай она ..... 30

*Саломатлик бурчаги*

Асал билан даволаш ..... 32




1



4



10



16



20



24



32

Яхши кунингизда ёнингизда турадиган, қийинчиликда кўмак берадиган, мусибатингизда ҳамдард бўладиган қўшнингиздир. Болалигимни эслар эканман, онамнинг қўшнилар билан муомаласи, қўшничиликни қон-қариндошлидек кўрганини эслайман. Ҳовлимизда қандай дарахт гулласа, онажоним “Гулига кў-

# Қўшнингиз ёмон бўлса, сабр қилинг

зи тушган кишининг насибаси бўлади” деб мевалар пишганда чеълаклаб қўшниларга тарқатар эди. У вақтларда ҳовлиларда дарвоза бўлмас, эшиклар қулфланмасди. Бир қўшнинг тандиридан оловчиқса, қўшнилар тўпланиб иссиқ нонни ёпиб, сўнг суҳбатлашиб, кейин тарқалар эдилар. Эсимни таниганимдан буён уйимизда тўй бўлса, барча қўшнилар тўпланиб, кўрпача-кўрпа қавиб, тандирларда нон, патирлар, ҳар хил пишириқлар тайёрлаб, тўйга хизмат қиласар эдилар.

Ўз навбатида, онам ҳам тўй тугагунча кўмак берарди. Бизга онам: “Узоқдан қариндошларинг келгунга қадар яқиндаги қўшниларинг ҳамма ишни бажаради. Шунинг учун ҳамиша қўшниларинг билан яхши муносабатда бўл”, деб насиҳат қиласарди.

Бироқ қўшнининг ёмонлигидан озорланган, оиласи пароканда бўлган инсонлар ҳам йўқ эмас. Масалан, хизмат тақозоси билан бир маҳаллага бир-бири билан тинмай жанжаллашадиган қўшниларни яраштиришга бордим. Айтишларича, бу қўшниларни ҳеч ким муросага келтира олмаётган экан. Жанжалнинг асл сабабини сўраб билсак, қўшнисининг қизи етти йил турмуш қилиб, икки нафар фарзанди билан она уйига қайтиб келган ва шундан сўнг бу кўчадаги бирор қўшнига тинчлик бўлмаган.

Ёнидаги қўшнисининг қизига совчи келса, ёмонлаган, бошқа қўшниларнинг келинларига гап ўргатиб, қайноналари билан можаро қилдирган, бу ҳам камдек, ён қўшнисининг келини билан ўғлининг ажрасишиб кетишига сабабчи бўлган. Қўшнилар бу жувондан онасига шикоят қилишса, аксига олиб онаси билан ҳам аразлашиб, гаплашмас экан.

Аллоҳ таоло: «...Отаонага, яқин қариндошга, етимларга, мискинларга, яқин қўшнига, ён қўшнига, ёндаги соҳибга, йўқсил йўлчига ва қўлингизда мулк бўлганларга яхшилик қилинглар...» (*Нисо сураси, 36-оят*), деб марҳамат қиласади.


Қўшничилик масаласи динимизда муҳимлигини, бир-биримизга қилаётган яхшилигимиз ёки ёмонлигимизнинг мукофот ё жазоси бор-


лигини уларга тушунтиридик. Лекин, афуски, ёмонлик қилаётган қўшни айбини тан олмади. Бироқ насиҳат қилиш – бизнинг бурчимиз. Қўшниси ундан кўп жабр кўриб, оиласидағи муаммоларига сабаб бўлган бўлса-да, сабр қилишини, аҳил бўлишини сўрадик.

Ойша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади. «Набий солалаллоҳу алайҳи ва саллам: “Жаброил менга қўшни ҳақида шу қадар кўп васият бердики, уни меросга ҳам шерик қиласмикан, деб ўйлаб қолдим”, деганлар» (Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Абу Довуд ва Имом Термизий ривояти).

“Ҳовли олма, қўшни ол” деб бежиз айтилмаган. Юқоридаги каби қўшнилар оиланинг пароканда, маҳалланинг обрўсизлашишига сабаб бўлади. Шундай экан, қўшнилар билан аҳил бўлишни Аллоҳдан сўраймиз.

**Мавлуда ФАЙЗИЕВА**  
Бухоро тумани “Работак”  
маҳалласи отинойиси





# Умиддан қўрқув устунроқ бўлсин...

Ойша розияллоҳу анҳо ривоят қиласи: «*Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам осмонда булатни қўрсалар, хавотирлари кучайиб, чеҳралари ёришмасди. Ёмғир ёққандан кейин ўзларига келар эдилар.* (Ойша онамиз) айтади: «*У зотга ушбу ҳолатлари ҳақида айтдим. Набий алайҳиссалом: «Қаердан биламан? Балки у қавм айтганидек бўлиши мумкин:* «*Бас, қачонки, улар ўша (азоб)ни ўз водийларига қараб келаётган бир (қора) булат ҳолида кўришгач: «*Бу бизларга ёмғир келтирувчи булатдир*», дедилар. Йўқ, у ўзларингиз қистаган нарса бўрондирки, унда (сизларга аталган) аламли азоб бордир» (Аҳқоф сураси, 24-оят)».*

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам доимо мўминларни қўрқув билан умид орасида бўлиш, Аллоҳ таолонинг макридан хотиржам бўлмасликка тарғиб қиласидилар: «*Аллоҳнинг макридан хотиржам бўлдиларми?! Аллоҳнинг макридан фақат зиён кўрувчи қавм-*

**ларгина хотиржам бўлурлар**» (Аъроф сураси, 99-оят). Демак, мўмин Аллоҳ таолога доимо мурожаат қилмоғи вожиб. Бу амал барча ибодатнинг асосидир.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом шамол қаттиқ эсганда хавотирланар ва Парвардигорга: «*Ё Аллоҳ, уни бизга ёмғир қилгин, азоб қилмагин*», деб илтижо қиласидилар. Яъни Набий алайҳиссалом об-ҳавода бирор ўзгаришни сезсалар, азоб тушибидан қўрқиб, Аллоҳ таолога илтижо қиласидилар. Ойша розияллоҳу анҳо у зотнинг ушбу ҳолатларини васфлаб бундай деган: «*Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам осмонда булатни қўрсалар, хавотирлари кучайиб, юзлари ёришмасди*».

Ёмғир ёғиб фойдали булат экани маълум бўлмагунча, Набий алайҳиссаломнинг чеҳралари ёришмас эди. Умматларига шафқатлари ва меҳрибонликлари сабабидан ушбу ҳолга тушардилар. Чунки Набий алайҳиссалом Аллоҳ таоло васф қилганидек: «*Мўминларга марҳаматли, меҳрибон бўлган Пайғам-*

**бар келди**» (Тавба сураси, 128-оят).

Ойша онамиз розияллоҳу анҳо Набий алайҳиссалом хавотирлари сабабини сўраганида: «*Қаердан биламан? Балки у қавм айтганидек бўлиши мумкин*», деб жавоб берганлар. Пайғамбаримиз алайҳиссалом ушбу сўзлари орқали биз раҳмат деб ўйлайдиган булат аламли азобни олиб келаётган бўлиши мумкинлигини баён қилмоқдалар. Чунки Од қавмида шу ҳолат содир бўлган: «*Бас, қачонки, улар ўша (азоб)ни ўз водийларига қараб келаётган бир (қора) булат ҳолида кўришгач: «*Бу бизларга ёмғир келтирувчи булатдир*», дедилар. Йўқ, у ўзларингиз қистаган нарса бўрондирки, унда (сизларга аталган) аламли азоб бордир» (Аҳқоф сураси, 24-оят).*

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мўминга умиддан қўрқувни устун қўйиши муносиб эканини баён қилдилар. Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Набий алайҳиссалом: «*Гарчи икки оёғимдан бири жсаннатда*

*бўлса ҳам, Аллоҳ та-  
олонинг макридан хоти-  
ржамлик йўқ”, де-  
ганлар.*

Агар савол берилса: «Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва салламнинг қавмларини Аллоҳ азоблаши мумкинми? Ахир у зот алайҳиссалом уларнинг орасидалар. Парвардигор: “**Модомики сиз Уларнинг орасида экансиз, Аллоҳ уларни азобламас**” (*Анфол сураси, 33-оят*), деб марҳамат қилган-ку?»

Хофиз ибн Ҳажар жавоб беради: “Ҳадис Анфол сурасида айтиб ўтилганларни хослайди ёки хавф мақоми Аллоҳнинг макридан хотиржам бўлмаслини тақозо қиласди”. Хофиз яна айтади: “Энг авлоси оят билан ҳадиснинг ўртасини жамлашдир. Пайғамбаримиз алайҳиссалом ўзлари орасида бўлмаган умматларига азоб тушишидан қўрқсанлар. Мўминга иймони сабаб шафқатлари жўш урар, коғирнинг эса Исломга киришидан умид қиласар эдилар”.

*Манбалар асосида  
Тошкент ислом институту ўқитувчиси  
Нигора УСМОНОВА  
тайёрлади.*

## Куръонда зикри келган аёллар

Куръони каримда номлари зикр этилган аёллар, уларнинг ҳаёти ҳар бир муслима учун ибратдир. Зоро, уларга эргашибиш ҳар биримизнинг умримизни саодатга буркайди.

Абадият йўлчилигида энг ишончли “харитамиз” бўлган Куръони каримда яхшиликка чақириш доирасида солиҳа аёллар борасида бир неча ояти карималар бор:

Исмоил алайҳиссаломнинг оналари **Ҳожар онамиз** чўлнинг ўртасида озгина озиқа ва бироз сув билан ташлаб кетаётган Иброҳим алайҳиссаломга:

– Буни сизга Аллоҳ буюрдими? Ундей бўлса, бизни ҳеч қачон зое қилмайди, дея таслим бўлган, бу розилиги илиа илоҳий мададнинг маҳзани бўлиб, Замзам каби муаззам тұхфага эришган эди.

Ҳазрат Мусонинг онаси эса илоҳий илҳом туфайли ўлдирилиши аниқ бўлиб турган фарзандини сандиққа солиб, Нилга ташлаб, унинг ҳаётини қутқариб қолган, Аллоҳнинг ёрдами билан уни Фиръавн саройида катта қилганди. **Осиё онамиз** ҳам Мусо алайҳиссаломни меҳр-шафқат билан катта қилиб, Ягона Аллоҳга иймон келтирган эди. Фиръавннинг турли исканжаларига қарамай, иймон йўлида собит туриб, жамиятга гўзал намуна бўлади. Шаҳидликдан сўнг эса бу фазилатлари сабабли илоҳий раҳматга эришди.

Исо алайҳиссаломнинг она-

си **Марям ва унинг онаси Ҳанна, яъни...**

– Аллоҳ йўлида фидокорлик ва хизмат;

– Фарзандининг саодати ҳақида ўйлаш;

– Уларнинг охиратларининг хайрли бўлиш учун Аллоҳга илтижо қилиш;

– Уларни ибодат ва тақвога йўналтириш;

– Иффат ва ҳаёқ каби хислатларнинг энг олий чўққисига етишдилар, ҳам авлодларига, ҳам жамият раҳматига васила бўлдилар.

Марям онамизнинг онаси Ҳанна, ҳали ҳомиладор ҳолида боласининг абадий саодатини ўлади, ташвишга тушди, дуолар қилди. Уни Аллоҳга назр қилиб, ибодатхона хизматига топширди. Ушбу самимий нияти сабаб фарзанди Байтул Мақдисда ибодат билан улғайди, натижада Куръони каримда исми зикр қилинган ягона аёл – ҳазрати Марям мақомига эришди. Бир улуғ пайғамбарнинг волидаи муҳтарамаси бўлди. Куръондаги бир сура “Оли Имрон” (Имрон оиласи) номини олди.

Марям онамизнинг номи Куръони каримда 34 маротаба такрорланган.

Куръони каримда зикри келган солиҳа аёллар ҳаёти уларга ўхшашга ҳаракат қилиш учун энг юксак намунадир.

*Нигора МИРЗАЕВА  
тайёрлади.*

*(Давоми. Бошланиши биринчи саҳифада.)*

Китоб ўқиш масаласи бугун анча муаммога айланган. Тенгдошларимни кузатар эканман, китоб ўқиш мумкин бўлган вақтини интернетга сарфлаб қўяётганини сезмай қолаётганини кўриб ачинаман. Лекин ундан фақат зарар кўрмоқдалар, холос. Биласизми, бунга сабаб оилавий муҳит деб ўйлайман. Ота-онам ишдан чарчаб келишса-да, китоб ўқийди ва биз билан китобдаги мавзу юзасидан сухбатлашади. Уларга китоб берган маърифатни бизга бўлган муомалаларида кўрардим. Сабаби, бизни эшитиб, фикримиз тўғри бўлса, қабул қилиб, нотўғри бўлса, тушунтириб, одоб билан муомала қилишади. Энг муҳими, оиласизда ота-онамиз ўзлари қилмаган ишни биздан ҳеч қачон талаб қилмаган. Аввал намуна бўлишган. Боланинг китобга қизиқишини айнан ота-она ибрат бўлиб шакллантиради. Ҳатто биринчи ўқиган романим ҳали-ҳануз ёдимда: болалар ёзувчиси Худойберди Тўхтабоевнинг “Жаннати одамлар” романи эди. Ўшанда бу китобдан ҳайратланганман. Сабаби, авваллари кичкина ҳикоялар ўқирдим. Китобни ўқиганим сари тугамайди, янги ҳикоя бошланади. Бу ҳикоя ҳам аввалгисига боғлиқ. Болалик ҳайрати билан: “Нима учун китоб бунчакатта, тушунмаяпман?!” деб ойимдан сўраганман. Ўшанда онам: “Бу ҳикоя эмас, бу энди роман, каттароқ, қизиқар-

лироқ ва ҳаётий бўлади”, деб тушунтирган. Шундай қилиб, биз беш нафар фарзандга китобга меҳр уйғотишган.

\* \* \*

Мамлакатимизда ана шундай фикри теран, илмли ёшлар оз эмас. Қиз фарзандини тарбиялаётган онажонларимиз учун Азизанинг онаси Наргиза Болбековадан айрим мuloҳазаларни олдик:

– Жамиятда ҳар бир инсоннинг ўз ўрни бўлиши керак ва бу ўринни ўзи яратади. Шу йўлда эришолмаган орзуларимни фарзандларимда кўришни хоҳлаганман. Ўзим китобсеварман ва китобдан олганимни ҳаётга татбиқ қилганман. Аллоҳга шукр, мана натижаларини кўриб келяпмиз. Албатта, китобни ҳам танлаш керак. Мактабга ўзим олиб борардим, устозларидан ташқари ўзим ҳам фарзандларим билан шуғулланардим. Болаларим савол берса, билмайман, деб жавоб беришдан уялганман. Шунинг учун уларга ўша саволларига аниқроқ маълумот олиш учун китоблар тавсия қилганман. Ёшига ва характерига мос китоблар олиб келардим. Ва ҳатто ўзларига “Ким энг яхши китоб танлаб келади?” деб имконият берардим. Барча илмлар, гўзал хулқ китобларда жамланган. уни фақат ўқиш эмас, мушоҳада қилишни ҳам болага ўргатиш керак. Илмда натижага эришиш осон эмас. Шунинг учун Аллоҳ таоло ўргатганидек: “Эй Раббим! Менга илмни зиёда эт!”



(Тоҳо сураси, 114-оят) деб дуо қилмоғимиз керак. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам ҳадисларда илм талаб қилиш ҳар бир мусулмон эркак ва аёлга фарз эканини таъкидлаганлар. Инсон баъзан дангасалик қиласи, баъзан хоҳламайди. Ҳар қандай шароитда ҳам ота-она фарзандни секин-асталик билан илмга, китобга қизиқтириб бориши керак. Бу борада Азизанинг дадаси ҳам мен билмаганларимни болаларга ўргатиб, кўмакчи бўлди.

\* \* \*

Оилада ҳар бир фарзанд китобга меҳр билан улғайса, ота-она китобхонлик маданиятини болада шакллантириб, ўзлари ҳам ибрат бўлса, у оиласи илмилар сони ортади. Балки бунга йиллар керак бўлар, бироз чарчоқ, асаб бузилиши мумкин, бироқ сабрнинг меваси Наргиза опанинг фарзандлари қўрсатган бугунги ютуқларидан кам бўлмайди. Бу оддий ўзбек аёли мақтовга лойик, ҳавас қилишга арзигулик фарзандларни вояга етказмоқда.

**Камола АДАШБОЕВА**

# Аёллар ҳақида Аллоҳдан қўрқинг

Баъзан аёлнинг фикрига иккинчи даражали масала сифатида қаралади. Айрим ҳолатларда аёлнинг гапига кириб қилинган кенгашнинг бузилишида унинг “фаросат”и масаласига урғу берилади. Бироқ агарда аёл сабаб фарзандлар илмли бўлса, аёл туфайли бир рўзғор обод бўлса, ҳамма кўз юмади. Ҳа, аёлларни камситаётгандар, уларни ишга олишда ва бошқа ҳолатлардаги ноўрин муносабатлар ҳали-ҳануз учраб турибди.

Динимизда аёлларнинг ҳуқуқлари, уларнинг жамиятдаги ўрни юқори даражага қўйилади. Биргина Қуръони каримда Нисо, яъни “Аёллар” сурасининг борлиги ёки Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг хотин-қизларни эъзозлаш борасидаги ҳадиси шарифлари аёлларнинг қадри баландлигини кўрсатади.

Расули акрам соллалоҳу алайҳи ва саллам ҳаж мавсумида Маккада Видолашув ҳажида сўзлаган машхур хутбалирида: *“Эй инсонлар! Сизнинг аёлларда ҳақларингиз бор, уларнинг ҳам сизларда ҳақлари бордир!”* дея хитоб этиб, VII асрда ёк аёлларнинг ҳақларини биринчи бўлиб ҳимоя қилган эдилар. Ва яна Расули акрам соллалоҳу алайҳи ва саллам: *“...уларнинг сизлардаги ҳақи шуки, уларга яхши муомала қилишингиз, уларни кийим-кечак ва озиқовқат билан таъминлашин-*



*гиздир”, дея марҳамат қиласи  
(Имом Термизий ривояти)*

Аёл-қизларнинг ҳуқуқ ва имтиёзлари масаласида турли қарор ва фармонлар мавжуд. Бироқ энг муҳими бўлган Буш Қомусимизда қандай ҳуқуқлар мавжудлигини кўпчилик билмайди. Масалан, сўнгги вақтларда аёлларимиз оиласининг ёки қариндошларининг ва ҳатто бегона инсонларнинг ҳам тажовузига учрамоқда. Энг ачинарлиси, айрим ҳолларда улар болалари билан кўчада уйсиз қоляпти. Конституциямизнинг 27-моддасида *“Ҳар ким ўз шаъни ва обрусига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга”* экани белгланган.

Бизга энг кўп мурожаатлар иш жойидан жабр кўрган аёллардан бўлади. Уларнинг ҳомиладорлиги ёки З ёшгача боласи борлигини важ қилиб ишга қабул қилмаслик ҳо-

латлари кўп учраяпти. Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 42-моддасида ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли ишга қабул қилишини рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланниши белгилаб қўйилди.

Аёлларнинг жамиятда тенг ҳуқуқлигини таъминлаш ва барча соҳаларда фолият юритишлирага шароит яратиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Конституциянинг 58-моддасида *“Давлат хотин-қизлар ва эркакларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, шунингдек, жамият ва давлат ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлайди”* деган норманинг киритилиши аёлларнинг бу соҳадаги ҳуқуқларини янада кенгайтирди.

Хотин-қизларимизнинг ҳуқуқларини билмаслиги оқибатида тўланмаган иш ҳақи, оиласи мажаролар, меҳнат низолари юзага келмоқда. Гарчи уларни ҳал қилишга ҳуқуқий ёрдамлар мавжуд бўлса-да, аёлларимиз қонун билан таниш бўлганида эди, уларга нисбатан бундай хатти-ҳаракатлар содир этилмаган бўларди.

**Матлуба АШУРОВА,**  
Тошкент вилояти  
Олмалиқ шаҳар адлия бўлими  
бош ҳуқуқшуюс-маслаҳатчиси

Умму Кулсум розияллоху анҳо жоҳилиятнинг қора пардаларини тилка-пора қилиб ташлайдиган ёруғ тонг отишни илҳақ кутиб яшарди. Араб диёрига Ислом қуёши нурларини соча бошлагач, Умму Кулсум унга кириш учун ошиқаётган соғлом фитрат ва покиза тақволи қалбларни излаб топди.

Лекин мушрик ота-онаси билан яшагани учун Ҳудайбия сулҳига қадар олдинги динидан воз кечмади.

Ривоят қилининича, унинг отаси

Уқба ибн Абу Муайт Убай ибн Халаф билан қадрдан бўлган. Бир қуни у зиёфат қилиб қурайшиликлар билан Расулуллоҳни ҳам меҳмонга чақириди. Дастурхонга таом қўйилганда у зот: “Албатта, сиз Аллоҳнинг Расули, деб гувоҳлик бермас экансиз, таомингиздан емайман”, дедилар. У гувоҳлик берганидан кейин у зот олдига қўйилган таомдан тановул қилдилар. Бу хабар Убай ибн Халафга етиб боргач, Уқбага учраб, дабдурустдан: “Сен диндан чиқибсан”, деди. Шунда у: “Сен ўйлаб қўр, уйингга бир улуғ инсон келиб, пайғамбарлигига гувоҳлик бермагунингча таомингдан емайман, деса, ни ма қилган бўлардинг?” деди. Шунда бадбахт Убай: “Токи сен Муҳаммаднинг юзига тупуриб, бўйнига оёғингни қўймагунингча, шундай-шундай демагунингча кўзимга қўринма”, деди.

Ҳаммод ибн Салам Ато ибн Соибдан, у Шаъбийдан риво-

ят қиласи: «Пайғамбар алайҳиссалом Уқбани қатл этишга буюрганларида: “Эй Муҳаммад, қурайшиликлардан шунча одам бўла туриб нега айнан мени қатлга буюряпсан?” деди. У зот: “Ха, айнан сени қатл эттираман. Бу бадбахт менга нима қилганини биласизларми? Мен Мақоми Иброҳим орқасида сажда қилиб турганимда бўйнимга оёғини қўйиб босиб турди. Икки кўзим

га фақат сўз билан байъат қиласар эдилар”.

Иbn Саъд ривоятида Умму Кулсумни икки акаси Валид ва Умора йўлдан қайтармоқчи бўлиб у қизнинг орқасидан чиқадилар. Иккови сингиллари изидан Мадинага етиб келганида: “Эй Муҳаммад, сен бизнинг шартимизга вафо қил”, дейишиди. Шунда Умму Кулсум: “Эй Аллоҳнинг Расули, ўзингиз аёллар заиф

## Динини дунёдан

отилиб кетгудек бўлди. Яна бир сафар саждага бош қўйганимда қўйнинг ичак-чавоғини устимга ағдарди. Сўнг Фотима қизим келиб уни олиб ташлади”, дедилар». Ибн Ҳишом айтади: “Зухрий ва бошқа аҳли илмларнинг айтишларича, уни (Уқбани) Али ибн Абу Толиб ўлдирган”.

Ҳудайбия сулҳига имзоланганидан кейин муҳожир мўминалар ҳам Мадинага кела бошлишди. Умму Кулсум бинти Уқба ҳам Расулуллоҳ алайҳиссалом сари йўлга чиққан муҳожир аёллардан эди. Ўшанда у ҳали бўйи етмаган қиз эди. Урва ривоятида Ойша онамиз айтди: “Ўшанда ҳижрат қилиб келган аёллардан қай бири келишилган шартга икror бўлса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга мен сен билан байъат қилдим, дердилар. Бу сўз орқали бўладиган байъат эди. Аллоҳга қасамки, у зотнинг қўли байъат қилишда ҳаргиз бирон аёлнинг қўлига тегмаган ва улар-

бўлишидан хабардорсиз, мени динимни деб қисти-бастига олишлари учун уларга қайтариб берасизми? Мен бунга сабр қилолмайман”, деганида Аллоҳ мана бу оятни нозил этди: **“Эй мўминлар, қачон сизларга** (Макка кофирларининг қўли остида қолган) **мўминалар ҳижрат қилиб келсалар, сизлар улар(нинг иймонлари)ни имтиҳон қилиб қўринглар** (яъни, улар ўз эрларини ёмон кўриб ёки сизлардан биронтангизга ишқи тушиб қолгани учун эмас, балки фақат мўмина бўлгани сабабли дини Ислом учун ҳижрат қилганлари ҳақида сизларга қасам ичсинлар)…” (*Мумтаҳана сураси, 10-оят*). Шунда у зот: “Сизларни фақатгина Аллоҳ ва Унинг Расули ҳамда Ислом муҳаббатигина бу ёққа келишга ундади. Сизлар эр ва мол учун чиқмадинглар, шундайми?” деб сўрардилар. Агар улар у зотнинг айтганларини тасдиқласалар, уларни мушрикларга қайта-

риб бермасдилар (*Имом Бухорий ва Имом Аҳмад ривояти*).

Умму Кулсум ўзининг муборак ҳижрат қиссасини бундай ҳикоя қиласди: «Мен оиламизга қарашли бир чўл жойга чиқиб, у ерда уч-тўрт кун қолиб (ўша жой Танъимнинг бир чеккаси эди), яна уйимизга қайтиб келардим. Уйимдагилар бу тариқа бориб-келишимга қарши бўлишмасди. Бир куни гўё даштга бораётгандек Макка-

ўрнатиб, мендан узоқроқ бориб турарди. Туяга ўтирганимдан кейин тизгинидан тутиб, йўл юрар, токи ундан тушгунимча орқасига қарамасди. Шу тарзда йўл юриб, Мадина га ҳам етиб бордик. Аллоҳ бу ҳамроҳни Ўзи чиройли мукофот билан сийласин! Мен Умму Саламанинг олдига кирганимда ниқобда эканим сабабли ўзимни танитмагунимча кимлигимни билмади. Насл-

бўлсан, биздақалар заифалиги сизга маълум". Шундан сўнг имтиҳон ояти нозил бўлди".

Умму Кулсум розияллоҳу анҳо аҳли ва ватанидан ажраб, Раҳмон розилигини қозониш учун чиққан мана шу муборак ҳижратдан кейин Мадинаи мувавварада яшаб қолди. Маккада Умму Кулсум ҳали турмуш қурмаган эди. Мадинада Зайд ибн Ҳориса унга уйланди. Сўнг уни талоқ қилди. Ун-

дан кейин Абдураҳмон ибн Авғ ўз никоҳига олди. Бу Абдураҳмонга Иброҳим

ва Холид деган ўғилларни ҳадя этди. Абдураҳмон вафот этгач, унга Амр ибн Ос уйланди. Шу турмуши даврида Умму Кулсум ҳаёт билан видолашди.

Аллоҳ ундан рози бўлсин!

**Бойсун тумани бош имом-хатиби  
Зариф ЧОРИЕВ  
тайёрлади.**



дан чиқиб кетдим. Ортимдан эргашган киши қайтиб кетгач, бир хузоалик олдимдан чиқиб: "Қаерга бормоқчисан?" деб сўради. Мен: "Мени сўроқ қиляпсанми, сен ўзинг кимсан?" дедим. У хузоаликман, деди. Хузоа деган сўз тилга олингач, хузоаликларнинг Расулуллоҳ алайҳиссалом билан шартнома тузганларидан хабарим борлиги учун хотиржам бўлдим. Унга ўзимни қурайшлик аёлман, деб танитдим ва Расулуллоҳ хузурларига бориш нијатида йўлга чиққанман, лекин қандай боришни билмайман, дедим. У Мадинага етказиб боргунча сени қўриқлаб бораман, деди. Шундай деб у бир туяни олдимга чўқтирди. Туяга ўтириб олганимдан кейин уни етаклаб йўлга тушди. Аллоҳга қасамки, у йўлда бирор оғиз чурқ этмади. Йўлда тушмоқчи бўлсан, туяни чўқтириб, ўзи узоқроқقا бориб турар, мен туядан тушиб олгач, уни бир даражатга боғлаб, ўзини сояга оларди. Йўлга чиқмоқчи бўлсан, туяга хавдажни

насабимни айтиб, ниқобими ни ечганимда мени қучоқлаб, Аллоҳ ва Унинг Расулини деб ҳижрат қилибсан-да, деди суюниб. Мен ҳа, деб сўзини маъкулладим. Лекин мен: "Мени ҳам худди Абу Жандал ва Абу Басир каби қайтариб юборишлиридан қўрқаман. Биласиз, эркаклар аёл каби заифа эмас. Орқамдан таъқиб қилиб келаётганлар ҳам яқинлашиб қолгандир. Мен уларни ташлаб кетганимга ҳам беш кун бўлиб қолибди. Улар мени бедарак кетганимни билиб бирпас кутадилар. Сўнг излаб чиқиб, мени тополмагач, йўлга чиқадилар", дедим.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Умму Салама онамиз олдига киргандарида у зотга буни айтиб берди. Сўнг у зот менга "Хуш келибсан!" дедилар. Бас, мен у зотга бундай дедим: "Мен бу ёққа динимни деб келдим, энди мени ҳимоя қилинг, қайтармангки, улар қисти-бастига олиб азоб беришади, азобга сабру бардош имтиҳонни ташлаб келмоқда.

Зариф Чориев 1978 йили Сурхондарё вилоятида туғилган. 1999 йили Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтини тамомлаган.

2002 йилдан Бойсун тумани «Пулҳоким» жоме масжиди имом-хатиби, 2013 йилдан туман бош имом-хатиби бўлиб ишлаб келмоқда.

# “Капалакли күйлак керакмас...”

*(Онажон, сиз  
кетмасангиз бас!)*

**К**үзмунчоқдек күз-  
лариdan қуйил-  
ган ёш онанинг  
юрагини ўрта-  
ди. Жонининг бир парчаси-  
ни юлиб, узоқ юртларга ке-  
тепти. Жавдираган қизалоғи  
жажжи құлчалари билан бўй-  
нидан маҳкам қучоқлаб ол-  
ган: “Ойижон, энди қўғир-  
чоқ сўрамайман, капалакли  
кўйлак ҳам керак эмас, фақат  
кетманг! Мен билан қолинг!”

Бир қизи билан ажрашган-  
дан кейин Ноила анча қий-  
налди. Негаки, мактабни та-  
момлагач, ҳеч қаерда ўқи-  
мади, хунар ҳам ўрганмади.  
Ота-онаси “Қиз бола ўқиб  
дунё олиб берармиди?” де-  
дию, турмушга бериб юбор-  
ди. Шу ҳақда гап очса, онаси  
ёшли кўзларини қизига қа-  
даб: “Шундай бўлишини би-  
либманми, қизим? Бўлмаса,  
ўқитардим, жилла қурса, ху-  
нар ўргатардим”, дейди. Ота  
уйига қайтиб келганида ян-

галарининг ёвқа-  
рашидан, қўшни-  
ларининг гап-сўз-  
ларидан безор бўлиб, олис-  
олисларга кетиб қолгиси ке-  
ларди. Ишлаш учун хорижга  
кетаркан, қизига қийин бў-  
лишини биларди. Узоқлар-  
да фарзанд соғинчи бўлса, бу  
ерда қизининг сарсон тар-  
бияси ва таълими. Нима ҳам  
қилсин?

Йиллар ўтди. Онасиз олин-  
ган тарбиянинг таъсири бўй  
кўрсатди... Бечора онаизор-  
нинг орзуси оқибатсиз фар-  
зандмиди? Ягона жигаргў-  
шасининг бу қилиқларидан  
безор бўлиб, яна бегона юрт-  
ларга кетсинми! “Нималар  
қилиб қўйдим?! Шунча йил-  
лар аёллигимдан, оналигим-  
дан кечиб топганим шу бўл-  
дими? Бир хонага сифмадим,  
бир оғиз ҳол сўрашга арзи-  
маяпман. Белим букилиб  
ишлаб топганимни яқинла-  
римга сарфладим. Улар эса

бир коса таомни миннат би-  
лан беряпти”.

Ёши улуғлар: “Болага  
ўзининг онасидек ҳеч ким  
меҳрибон бўлолмайди”, дей-  
ишади. Бир вақтлар бола-  
лар уйидаги болалар онасиз  
яшашган. Бироқ бугун муҳо-  
жир аёлларнинг болалари  
ҳам шунга мажбур бўлмоқда.  
Аслида, инсоннинг эҳтиёжи  
учун кўп нарса зарур бўлмайди.  
Бироқ дунёга ҳирс қўйиш  
фарзандларимизнинг ёлғиз  
улғайишига арзирмикан? Бу  
билан “Ҳамма аёллар молу  
дунё илинжида, чет эл орзу-  
сида”, демоқчи эмасмиз. Гар-  
чи шундай дейдиганлар ҳам  
топилса-да, аксари чорасиз-  
ликдан чет элга кетмоқда.  
Айрим орсиз эркаклар аёли-  
нинг хориждан жўнатаётган  
пулига яшаяпти. Вояга етган,  
қўлидан иш келадиган ўғил-



лар мұхожир онасига “Она, бизни боқдингиз, энди дам олинг”, демайди. Аксинча, бири машина дардидә ва яна бири уйини таъмирлаш ретасини онасига айтиб, мункайиб қолган аёлни яна бироз ишлашга күндеришга уринади.

Ростдан ҳам уларға фақат пул керакми?! Йўқ, бу фақат моддият билан боғлиқ әмас. Тўғри, бу масала ҳам бор. Лекин онасиз, онанинг меҳри ва тергасисиз улғайган болаларға энди бу каби муносабат керак әмас. Енгил-елпи кийиниб ўрганиб қолган қизига тарбия бериш керак бўлган вақтда олисда бўлган она унга бир нарса деса, қизи: “Сиз аралашманг, мода шунаقا!” деган жеркишни эшигади. Ўғли ҳам шу. Афсуски, болалар ўз онасини тезроқ хорижга кетказишга, дангалроқ қилиб айтганда, ундан қутулишга уринишади. Ўзларига қулай қилиб яратиб олинган “оламида” она фақат пул манбаи, холос. Афсуски, кўплаб мұхожир аёлларимиз аёллик назоқатини тирикчиликка, оналик меҳрини рўзғорга алмаштиришга мажбур бўлганлар.

Яқинда Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг қуйидаги маълумоти эълон қилинди. Очиғи, буни ўқиб, қанча болаларнинг онасидан олисда эканини билиш мум-

кин. Расмий маълумотларга кўра, 570 мингга яқин ўзбек аёли хорижда меҳнат қилмоқда. Афсуски, уларнинг кўпчилиги оиласида ёлғиз боқувчи ҳисобланади. Натижада бундай оилаларнинг фарзандлари қариндошлири қўлида катта бўлмоқда. 2022 йилда энг кўп хорижга ишлашга кетган аёллар Сармарқанд вилояти, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳамда водий вилоятларига тўғри келар экан. 2022 йилнинг биринчи чорагида 192 минг фуқаро қайтиб келган. Уларнинг 41,4 минг нафари – аёл-қизлар.

Аёлларимизни турли касб-хунарларга бепул ўқитиш, уларга имтиёзли кредитлар бериш, ҳуқуқларини мустаҳкамлаш борасида давлатимиз томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бундан уйда ўтирган ҳолда унумли фойдаланиб, даромад топаётганлар, қўшимча иш ўринларини яратганлар бор. Хусусан, мұхожирликдан келган аёллар меҳнат миграцияси томонидан назоратга олиниб, уларнинг бандлиги масаласида самарали ишлар қилинмоқда.

Аллоҳ таоло Бақара сурасининг 233-оятида: «У (она) ларни яхшилаб едириб, кийинтириш отанинг зиммасидадир», деб марҳамат қилади. Аёlinи ташлаб қўй-

ган, синглиси ёки опаси, қизининг хорижда сарсон бўлишига, болаларининг бўзлашига сабабчи бўлиб қолган эркаклар аёл кишига масъул эканини унутмасликлари зарур. Баъзан аёлларнинг тушуниб, тушумай қарор чиқаришлари, шошқалоқликларини қайтариш учун эркакларнинг вазминликлари керак бўлади. Улар аёллардан билганингни қил, дея қутулиши әмас, масъулиятни ўз зиммасига олиши лозим.

Ойша онамиз розияллоҳу анҳодан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Фарзандларингизга муносиб онани ихтиёр қилинглар”, деганлар. Фарзандимизнинг муносиб оналар билан улғайишлари учун, аввали, оталар муносиб бўлишлари керак. Онасини йилда бир кўриб улғайган болалардан оналар меҳр кутишади. Кейин эса улғайган болалар оналарига эътиroz билдиришади: “Сиз мени ташлаб кетдингиз-ку!” Онанинг “Мен сен учун хорижда ишладим”, дея эътиroz билдириши бефойда. Вақтида меҳр олмаган фарзанд қандай қилиб меҳр берсинг?! Меҳр пул билан сотиб олинмайди-да. Тўғрими, азизлар?!

**К. АБДУМАЛИК қизи**



МУСУЛМОНОВИДИЯ МУЗЕЙИ

ЎЗБЕКИСТОН  
MUSEUM OF ISLAM OF UZBEKISTAN



## “Жўйбори Калон”

Кўхна Бухоро кўп сонли мадрасалари билан ном таратди.

Мадрасалар асосан хон, амалдор, бадавлат кишилар ва зиёли шахсларнинг ташаббуси ва маблағлари ҳисобига барпо этилиб, номи ўша шахслар исми ёки мадрасаса жойлашган маҳалла, гузар номи билан аталган.

Шундай мадрасалардан бир – ҳозирги кунда ҳам фаолият юритиб келаётган “Жўйбори Калон” мадрасаси бўлиб, XVII аср охири – XVIII аср бошлирида Субҳонқулихон даврида, Бухоро ҳокими Абдулазизхон фармони билан барпо қилинган. Мадраса Абдулазизхоннинг онаси Ойпошша биби маблағи ҳисобидан қурилган. У бир неча таноб ерини ва дўконларини ўша мадрасага вақф қилган. Ойпошша биби ниҳоятда маърифатли, тақволи аёл бўлиб, мадраса учун маблағини аямаган. Мадраса билан бир қаторда «Волидаи Абдулазизхон» жоме масжиди ҳам қад кўтарган. Шунингдек, мазкур иккни бино оралиғида ҳовуз – Ҳавзи Нав ҳам қурдирсан.

Мадраса талабаларининг моддий таъминоти Жўйбор шайхлари зиммасида бўлган. Хожа Саъдиддиннинг катта ўғли Хожа Тоҷиддин Ҳасан Жўйборий (ваф. 1646) нақшбандия тариқати давомчиси сифатида танилган бўлиб, унга ота-боболаридан катта мол-мулк мерос қолган. У ҳар куни новвойхоналарда 1001 та таваккалий (70-80 см ли оби нон) ёптириб, ҳар куни Жўйбор фуқароларига, шаҳар мадрасаларининг талабаларига тарқатган.

Мадраса жойлашган Жўйбор мавзеи қалъа ичига кирмагани учун “Жўйбори Берун” деб аталади.

Мадрасанинг баланд пештоқли эшиги жануб томонга қараб очилади. Дарвоза рўпаратсида ихчамгина ҳовуз – Ҳовзузи Нав жойлашган. Мадраса,

масжид, ҳовуз меъморий мажмуани ташкил этади. Ойпошша биби мадраса қурилишида азалий анъанага риоя қилган. Ҳашаматли пештоқ ичидаги дарвоза орқали Миёнсаройга кирилади. Чап қўлда масжид. Ўнг қўлда томга чиқиладиган пиллапоя ва ҳужралар тизилмаси. Мадраса бир қаватли, 21 ҳужраси бор.

Юқорида зикр этилганидек, мадраса ҳозирги кунга қадар ўз фаолиятини давом эттириб келмоқда. Фақат советлар даврида мадрасадан турли мақсадларда фойдаланилган. Натижада ташландиқ ҳолга келган. 1992 йил 1 сентябрда мадраса иш фаолиятини қайта тикилаган.

Мадраса ва унинг фаолияти ҳақида турли асрларга оид архив ҳужжатлари асосида маълумотлар олиш мумкин. Масалан, Бухоро мадрасаларида бемор мударрис ва талабалар учун алоҳида ҳужралар ажратилгани ҳамда улар ўша ерда даволангани ҳақида ҳужжатлар сақланниб қолган. Жумладан, «Қушбеги» фонди-





да сақланаётган 1996 рақами остидаги ҳужжатда Жўйбори Калон, Халифа Худойдод, Модарихон, Абдуллахон, Чўбин, Муҳаммадамин, Боркаш, Миркон, Мадрасайи Олий каби ўнлаб мадрасаларда даволанаётган 80 нафар бемор мударрис ва талабалар рўйхати берилган. Бу каби ҳужжатлар айрим мадрасаларда фақат

яшаган талабаларнинг айрим ҳужралар деворида форс тилида турли ғазаллар, қайдлар ёзib қолдирганига гувоҳ бўлганмиз.

Ҳозирги кунда билим юрти талабаларига мударрису мударрисалар Қуръон, ҳадис, фиқҳ, ислом тарихи, ақоид, араб тили (сарф, нахв), хаттотлик каби фанлар билан бир-



таҳсил олиш эмас, балки мадраса ҳодим ва талабалари га дунёвий илмлардан ҳам сабоқ берәётир.

Билим юрти биноси масжид, маънавият, информатика, ўқув хоналари, талабалар учун ётоқхона, маъмурий хоналар, ошхонадан иборат. Ўқув масканининг информатика хонаси замонавий компьютер ва кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган. Талабалар дарс жараёнида диний ва дунёвий фанларни компьютерлар ёрдамида ўзлаширади.

Бундан ташқари, “Жўйбори Калон” мадрасасида айрим ҳужралар мударрис ва талабаларга ижарага туриш учун ажратилган. 1998 рақамли ҳужжатда Мулло Мир Юнус ва Мулло Мир Сулаймон исмли талабаларга “Жўйбори Калон” мадрасасидан бир ҳужрани 18 тилла миқдорда ижарага бериш ёзилган ва яна шунга ўхшаш кўплаб ҳужжатлар мавжуд.

Мен ҳам шу мадрасада учйил мобайнида ўқиб, яшаганман. Ўтмишда мадрасада

**Лобар АСРОРОВА,**  
Ўзбекистон халқаро ислом академияси катта илмий ҳодими, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, PhD

## Аёлнинг сариштаси – рўзғорнинг фариштаси

*Хотиннинг қақилдоғи – тегирмоннинг шақилдоғи.*

\*\*\*

*Ота кўрган ўт йўнар,  
Она кўрган тўн бичар.*

\*\*\*

*Рўзғор тушди бошга,  
Кўл тегмади ошга.*

\*\*\*

*Биянинг югуриги яхши,  
Хотиннинг эпчили.*

\*\*\*

*Бой амр этмаса,  
Бовча хамир этмас.*

\*\*\*

*Болали уйда  
жсанжал бўлса ҳам,  
Ғурбат бўлмас.*

\*\*\*

*Бош икков бўлмай,  
Мол икков бўлмас.*

\*\*\*

*Бўлдирадиган ҳам хотин,  
Үлдирадиган ҳам хотин.*

\*\*\*

*Аёлнинг ҳусни  
пардозда эмас, ақлида.*

\*\*\*

*Бир аёлни баҳтли дейишса, билки, унинг эри – жасоратли.*

\*\*\*

*Аёлни мулоиймлик безайди.*

Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи вассалам шундай дедилар:

*“Аёлларингизнинг энг яхиси Аллоҳга тақво қиласиган, қўп тугадиган, (эрига) муҳаббатли, кўнглини оладиган, (унга) бўйсунадиганидир. Аёлларингизнинг ёмони ўзини қўз-қўз қиласиган очиқ-сочиқ, кибрилари-дир. ...Кам учрайдиган қаноти оқ қарғалар каби улардан жуда озвилиги жаннатга киради”.*

Имом Табароний, Имом Доракутний ривояти.



# Аёл маҳрини олмасдан вафот этса...

**САВОЛ:** Аёлимнинг маҳрини бермаган эдим. Яқинда у вафот этди. Энди нима қилишим керак?

**ЖАВОБ:** Маҳри берилмаган аёл вафот этгани билан маҳр эрнинг зиммасидан соқит бўлмайди. Эр уни адо этиши лозим. Лекин ўлган одамнинг ҳаққи бўлгани учун маҳр меросга айланади ва мархуманинг меросхўрлари ўртасида шариат кўрсатмасига мувофиқ тақсимланади. Бундай ҳолатда меросхўрлар орасида унинг эри ҳам бўлгани учун эрга ҳам меросдан улуш ажратилади.

**САВОЛ:** Тасбехни Аллоҳни зикр қилгандан ишлатамиз. Гоҳида тасбех узилиб кетади. Бир кишининг айтишича, тасбехнинг узилиши ноҳушлик белгиси, уни сувга ташлаш керак экан. Шу гап тўғрими?



**ЖАВОБ:** Бу гап ирим ва шумланиш. Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбари-

миз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: “*Касаллик юқиши йўқ* (Аллоҳни изнисиз), *бойқушдан шумланиш йўқ*, *руҳларнинг қушга айланаб юриши йўқ*, *сафар ойидан шумланиш йўқ*” (*Имом Аҳмад ва Имом Ибн Можа ривояти*).

**САВОЛ:** Қиз маҳрга бирор нарса сўраса, ўша нарсани йигитнинг шахсан ўзи олиб бериши керакми ёки йигитнинг оила аъзолари олиб берса ҳам бўладими?

**ЖАВОБ:** Аслида қиз ёки аёлга бериладиган маҳр уни никоҳига олаётган эрнинг зиммасига вожиб бўлади. Аммо эрнинг номидан унинг яқинлари никоҳ ақдида айтилган маҳрни адо қилсалар ҳам, маҳр ўрнига ўтаверади.

**САВОЛ:** Супурги кулфат олиб келади, супурги фалокат, деган гап қанчалик рост? Шу ҳақда маълумот берсангиз?

**ЖАВОБ:** Супурги – тозалик ашёси. У кулфат ва фалокат олиб келади, деган гап асоссиз.

**САВОЛ:** Ҳомиладор танишими сочини кестирмоқчи, қайноаси эса ҳомиладор аёл сочини кесмайди, деяпти. Шу саволга қандай жавоб берасиз?

**ЖАВОБ:** Ҳомиладор аёл сочини қисқартириши шаръий жиҳатдан жоиз. Одамлар ўзлари ирим-сирим қилиб бу каби гапларни топганлар. Эрининг розилиги билан қисқартирса бўлади. Лекин шуни таъкидлаш лозимки, опа-сингилларимиз соchlарини заруратсиз кесишига шошилмасинлар. Чунки узун, чиройли соч аёлга табиий ҳусн ва кўрк бағишлайди.

**САВОЛ:** Дуо қиблага юзланиб, қўллар кўтарилиган ҳолда қилинади деб эшитгандим. Аёлларнинг шу ҳолатда дуо қилиши ҳаёсизлик ҳисобланадими?

**ЖАВОБ:** Аёлларнинг қиблага юзланиб, қўл кўтариб дуо қилишлари ҳаёсизлик эмас. Аксинча, қиблага юзланиб дуо қилиш мустаҳаб ва афзал ҳисобланади. Аммо қиблага юзланмаса ҳам, дуо дуруст бўлаверади.

**САВОЛ:** Катта одамнинг қайт қилиши гиламни нопок қиласидими ёки фақат чақалоқларники нопок қиласидими?

**ЖАВОБ:** Ким бўлишидан қатъи назар, оғиз тўлиб қайт қиласа, у нажосат ҳисобланади ва теккан жойини нопок қиласиди. Агар оғиз тўла бўлмаса, у нажосат ҳисобланмайди

ва теккан жойини нопок қилмайды.

Уламолар қайт қилганда оғиз тұла бўлишининг чега расини уни оғизда ушлаб тұра олмаслик билан белгилашган. Баъзи ўринларда эса “Оғиздан чиқариб ташлашдан бошқа чора йўқ” экани билан изоҳлашган.

### **САВОЛ: Оздирадиган протеинларни шариатда хукми қандай? Ҳалолми ёки ҳаром?**

**ЖАВОБ:** Агар оздирадиган дори таркибида шариатда ҳаром қилган нарсалар бўлмаса ҳамда инсон саломатлигига салбий таъсир қилмайдиган бўлса, озиш мақсадида истеъмол қилишга динимиз рухсат беради. Лекин ҳар ишда мўътадиллик муҳим. Дорилар воситасида заифлик ва касаллик даражасида озиш жоиз эмас.

### **САВОЛ: Тўрт улуғ аёл деғанда кимлар назарда тутилган?**

**ЖАВОБ:** Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Расууллоҳу соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Жаннатнинг энг афзал аёллари – Ҳадича бинти Ҳувайлид, Фотима бинти Мұхаммад, Марям бинти Имрон ва Фиръавнинг аёли Осиё бинти Мазоҳимдир”, деганлар (Имом Аҳмад ривояти).

### **САВОЛ: Шариатимизга кўра бармоқларни қирслатиш ёмон одатми?**

**ЖАВОБ:** Намоз ўқиётганда бармоқларни қирслатиш макруҳ амал. Намоздан ташқарида эса одобсизликдир.

### **САВОЛ: Ёшлар унаштирилгач, кўришиб ёки телефон орқали гаплашиши мумкинми?**

**ЖАВОБ:** Ота-оналарнинг розилиги билан турмуш қурмоқчи бўлган йигит ва қиз гувоҳлар иштироқида бир марта учрашади. Маъқул бўлса, тўй бўлади, бўлмаса, йўқ. Никоҳ боғланунга қадар учрашиб ёки телефон орқали гаплашилари мумкин эмас, балки гуноҳ ишдир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳақда: “Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган киши номаҳрам аёл билан бир жойда холи қолмасин. Зеро, уларнинг учинчisi шайтон бўлади”, дедилар (Имом Аҳмад ривояти). Шунингдек, динимизда йигит ва қизнинг бир-бируни “синаб” кўришига рухсат берилмайды.

### **САВОЛ: Мусулмон одам тирноқ ўстириши мумкини?**

**ЖАВОБ:** Тирноқ ўстириб юриш суннатга хилоф ва макруҳ амалдир.

Тирноқни олиш фитрий суннат, яъни пок табиатга уйғун ишлардандир. Буни замонавий тилда шахсий гигиена дейилмоқда. Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Пайғамбаримиз алайҳиссалом: “Беш нарса соғ фитратдандир: ҳаттона қилиш, қовуқ (туклари)ни

қириш; қўлтиқ (туклари)ни юлиш (поклаш), тирноқларни олиш, мўйлабни қисқартириш”, дедилар» (Имом Бухорий ривояти).

Тирноқларни ҳар ҳафта ёки 15 кунда, бунинг ҳам иложи бўлмаса, 40 кун ичидаги олиш суннат. 40 кундан ошиб кетса, макруҳ бўлади.

### **САВОЛ: Ҳайзли вақтда никоҳ ўқитиши мумкини?**



**ЖАВОБ:** Никоҳ вақтида никоҳланувчилар ёки гувоҳларнинг таҳоратли бўлиши шарт қилинмаган. Аслида никоҳнинг иккита рукни бўлиб, биринчиси, ижоб ва қабул (бунда томонлар никоҳга рози эканини очиқ билдириши шарт). Иккинчиси, гувоҳлар (бунда иккак эркак ёки бир эркак ва иккак аёлнинг гувоҳ бўлиши лозим). Маҳр никоҳнинг шарти ҳисобланади.

Демак, никоҳ мажлисида мазкур рукнлар топилса, аёл ҳайзли бўлса ҳам, никоҳ тўғри бўлади. Лекин эр-хотин ҳайз тугагунча жинсий алоқа қилмайды. Ноқулай ҳолатда қолмаслик учун тўй ташкилотчилари буни эътиборга олишлари лозим.



# Фолбин – сеҳргар, сеҳргар эса...

Жоҳилияят замонидан буён кишилар онгидаги яшаб, уларни ҳақ йўлдан чалғитиб келган баъзи муаммолар ҳали ҳам барҳам топгани йўқ. Яратганинг Ўзидан бошқа ҳеч ким билмайдиган, ғайбни билиш даъвосидаги илмизлик “фолбинлик” деб аталади. Фолбинлик “коҳинлик”, “илмул рамл”, “мунажжимлик”, “аррофлик” каби номлар билан ҳам аталади. Фолбинлик Куръони карим ҳукми билан ҳаром қилинган. Фолбин, коҳиннинг ғайбдан деб берган хабари ни тасдиқлаш ояти каримава ҳадиси шарифга асосан куфрdir.

Аллоҳ таоло Юнус сураси 106-оятида бундай марҳамат қиласиди: “**Аллоҳни қўйиб, фойда ҳам, зарар ҳам етказа олмайдиган нар-**

**саларга илтижо қилманг!**  
**Агар (шундай) қилсангиз,**  
**унда, албатта, сиз золим-лардандирсиз”.**

Ҳозирги кунда ҳам бирор нарсасини йўқотган, бирор ишда шубҳага борган кимсалар, айниқса, маърифатсиз аёл-қизлар ёки тушкунликка тушган инсонларнинг аксари муаммонинг ечими ни топиш учун фолбинларга қатнамоқда. Оилавий ажримларнинг келиб чиқишига сабаб бўладиган, акани укадан ажратадиган, куда-андалар, қўшнилар, ҳамкаслар орасига совуқчилик соладиган фолбинлар чўнтагини қаппайтиromoқда. Фолбинларга борувчилар эса вақти, соғлиги, пули ҳавога совурилаётганига, ўзлари қаттиқ гуноҳкор бўлаётганига аҳамият ҳам беришмайди.

Айни пайтда кишилик жамиятининг энг катта муаммоларидан бири ҳам сеҳр, фолбинлик ва мунажжимликдир. Бунга ҳужжат сифатида қуидаги оят келтирилади: “...**Балки одамларга сеҳр ўргатадиган шайтонлар коғир бўлдилар...**” (*Бақара сураси, 102-оят*). Лаънатланган шайтоннинг одамларга сеҳр ўргатишдан кўзлаган бирдан-бир мақсади – уларни мушрикка айлантиришdir.

Аллоҳ Ўзига шерик қилган инсонни ҳеч қачон кечирмайди. Бугунги кунда кўплаб гумроҳ кимсаларнинг сеҳрга аралашиб юрганига гувоҳ бўласиз. Улар сеҳрни фақат ҳаром деб ўйладилар ва унинг куфр эканини ҳис қилмайдилар. Бу ҳол, айниқса, эр-хотин орасидаги му-



носабатларда – иссиқ-совуқ ва шу каби нарсаларни қилишда яққол намоён бўлади. Улар бу ишларида аксарият қисми ширк ва қуфр бўлган сўзларни қўллайдилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “*Еттиҳада ҳалок қилувчи гуноҳдан сақланинглар*”, деб улардан бири сеҳр эканини баён қилганлар (*Имом Бухорий, Имом Муслим ривояти*). Ҳар бир банда Аллоҳ таолодан қўрқиши ва дунёю охиратини куйдирадиган бундай ишлардан сақланиши лозим.

Ваҳб ибн Мунаббих: «Айрим китобларда ўқидимики: “Аллоҳ азза ва жалла: “Мендан ўзга илоҳ йўқ. Сеҳр қилган ва сеҳр қилдирган, фол очган ва фол очдирган, шумланган ва шумлантирган кимсалар Мендан эмас”, дейди». Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху: “Фолбин – сеҳргар, сеҳргар эса кофирдир”, деган. Ибн Масъуд розияллоҳу анху айтади: “Албатта, афсун ўқиш, тумор тақиши ва иссиқ-совуқ қилиш ширкдир” (*Ибн Ҳиббон, Имом Ҳоким ривоят қилишган*).

Кимки тумор ёки мунчоқ тақиб, бу кўз тегишидан сақлайди деб эътиқод қилса, ширк келтирган бўлади. Хитобий розияллоҳу анху айтади: «Куръон ёки Аллоҳ таолонинг исмлари билан дам солиш мумкин. Чунки Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи

ва саллам Ҳасан ва Ҳусайн розияллоҳу анхумога дам солиб: “*Сизларни Аллоҳнинг тўлиқ калималари ила ҳар бир шайтону ҳашаротдан ва ҳар бир ёмон кўздан ўз паноҳида сақлашини сўрайман*”, деб эдилар» (*Имом Ҳоким ривояти*).

Фолбинга қатнаётган опа-сингилларимизнинг бу йўлдан қайтишларини сўраймиз. Аллоҳ таоло Куръони каримда бу илм фақат Ўзида эканини айтган. Аллоҳ билан Аллоҳнинг илмини талашаётган бандалар, албатта, хор бўлажак. Шу малъун, ифлос ва жирканч маҳлуқларнинг олдига бориб, иймону эътиқодимизни поймол қилмайлик, азизлар. Кимки шу ишни қилган бўлса, тавба қилсин.

Мусулмон киши бошига мусибат етганда сабр қиласди. Унинг Аллоҳдан эканини билади ва Аллоҳга янада кучлироқ тазарру билан сиғиниб, мусибатига, ғам-андуҳига юпанч излайди. Мўмин киши касал бўлса, дарров азайимхонга югурмасдан шариат рухсат берган тиббий воситалар билан даволанади, ўзига ўзи Куръон оятларини ўқиб дам солади...

Хозирги кунда турли дуоҳон ва азайимхонларга бориш ҳам хатарли бўлиб қолган. Чунки уларнинг кўпичи шариатда ворид бўлмаган аллақандай шубҳали дуолар ва қасидалар билан дам

соладилар. Сеҳр, яъни кўзбўймачилик, иссиқ-совуқ қилиш катта гуноҳ. Сеҳр қилгани учун олинадиган ҳақ ҳам шариатда тақиқланган ишни қилгани учун ҳаром. Аллоҳ таолонинг изни бўлмаса, ҳеч кимга зарар етмаслиги Куръони каримда баён қилинган. Улар келажакда бўладиган ишларни олдиндан айтиб бериш даъвоси ила содда инсонларни алдаб, ўз тузоқларига илинтиromoқдалар. Кишиларда бўлмағур шумланишларнинг пайдо бўлиши эса кўплаб оилаларнинг бузилиб кетишига, қўни-қўшни, яқин қариндошлар, aka-ука, қуда-андаларнинг орасига совуқчилик тушишига сабаб бўлмоқда.

Масжидларимизга зиёратга келган баъзилар: “Йўлимни очиб беринг, баҳтим очилсин”, деб фолбинларнинг гапини айтишади. Албатта, ҳар бир иш Аллоҳдан. Ислом инсонларда учрайдиган баданий хасталикларни тиб орқали, қалб хасталикларини эса Куръони карим оятлари билан муолажа қилишга амр этган. Ҳар биримиз динимизнинг амрига бўйсунишимиз, фолбин ва коҳинларга қатнаш улкан гуноҳ эканини яхши аংглашимиш лозим.

**Жаҳонгирхон АБРОРОВ,**  
ЎЗМИ Самарқанд вилояти  
вакиллиги ходими



(Давоми.  
Бошланиши ўтган сонларда.)

Эй қизим! Ҳозирги пайтда аёллар мубтало бўлиб қолган оғир дардлардан яна биттаси сериал кўриш, яна бири севги ҳақида қўшиқлар тинглаш. Чет эл сериаллари одамларимизнинг тарбиясини, тушунчасини бузмоқда. Севги учун ота-онага қарши чиқиш, эрига хиёнат қилиш, никоҳсиз ҳолда ҳар хил номаъқул ишларни қилиш ижобий қаҳрамонлар томонидан амалга оширилди. Аёллар эса гоҳида намозини ҳам унутиб, ўша сериалларга маҳлиё бўлишмоқда. Бундай оиласарда вояга етаётган аксари қизлар эса, минг афсуски, мактаб ёшидан бошлабоқ уларни тинглашга ружу қўйишиган. Пок севги ниқоби остида уятсиз нарсаларни тарғиб қилувчи куй-қўшиқлар ёшларнинг бутун онгини эгалламоқда. Эй қизим! Сиз булардан йироқ бўлинг.

Шайх Али ТАНТОВИЙ

# Эй қизим!

Рахмоний севги фақатгина никоҳ орқали пайдо бўлади. Покиза қалбли эр-хотин тасодифий учрашишмаган, балки уларни пок ниятлари жамлаган.

Мутавалли Шаъровий айтганидек: “Агар икки киши орасидаги гўзал алоқани кўрсанг, уларнинг учинчиси Аллоҳ эканини билиб олавер”.

Эй қизим! Ўртача умрнинг ярмини босиб ўтиб бўлдим. Ҳар хил одамларни кўрдим, шайтоннинг турли ҳийлаларига йўлиқдим. Одамларнинг феъл-атворларига сабр билан муомала қилиш кераклигини, шайтон эса то ўлгунимизча ҳар томондан адаштириш учун найранг уюштиришда тинмасдан тер тўкишини англадим. У инсоннинг ёшига, жинсига, иқтисодий ҳолатига, илмига ва бошқа сифатларига қараб ҳийла уюштиришдан тўхтамайди. Аввало, шайтоннинг ёмонлигидан Аллоҳдан паноҳ сўранг, ҳидоят сўраб дуо қилинг. Ҳар бир ҳолингизда шайтон ҳийласидан хушёр бўлинг. Мен бу гапим билан йигит ва қиз суҳбатни ёмон ниятда бошлашади, демоқчи эмасман. Бироқ улар шай-

тонга ҳийла қилиш учун энг қулай вазиятни тухфа қилишган бўлади. Суҳбат давомида аста-секин уларнинг аввало қалбларини васвасага солади. Бу васваса бироздан кейин сўзларга ўтиб, уларга табассум аралашади. Сўзларнинг маъноси ўзгара бошлайди. Кундан-кунга улар заруратсиз ҳам гаплашадиган бўлиб қолишади. Шайтон уларга чиройли қилиб кўрсатадиган қалбдаги бир ҳузурни туйишади ва буни меҳр қўйиш, дўстлик ва охир-оқибат севги деб тушунишади. Бундай қалбдан Аллоҳнинг муҳаббати чиқиб кетади.

Эй қизим! Сиз бу ҳийлаларнинг биринчисидаёқ уларнинг томирини кесинг. Бундай нарсаларнинг қалбингииздан жой олишига асло йўл қўйманг. Ҳозирги кунда таржима қилинаётган сериаллар ва «ижод» қилинаётган кўп қўшиқлар инсонни ўша васвасаларга тарғиб қилаётгани учун мен сизни улардан қайтараман.

(Давоми бор.)  
Таржимонлар:  
Иймон Али КИТОБ АЛИЕВ,  
Сайдуллоҳ АҲМЕДОВ

# Қўйдек “ювош” бузғунчилар...

Абу Нуаймнинг “Ҳилятул авлиё” китобида келтирилади.

“Абу Муслим Хавлоний уйига қайтса, ҳовлисига кириб салом берар эди. Хотини ҳам салом берар ва дарров келиб унинг ридоси ва оёқ кийими ни ечиб олар ва овқат ҳозирлар эди.

У бир куни кечроқ уйига қайтиб, салом берди. Аммо жавоб эшитмади. Ҳовлида такбир айтди, жавоб эшитмади. Шунда хотинининг хонасига кирди. Хотини хонанинг бир бурчагида ўтирап, чироқни ўчириб олган эди. Хавлоний бирор фалокат юз берган деб ўйлаб сўради:

– Сенга нима бўлди, Аллоҳ раҳм қилгур?

Хотини деди:

– Сизнинг халифа Муовия ибн Абу Суфён олдида обрўйингиз бор. Бизда хизматкор ўйқ. Ундан хизматкор сўрасангиз!

Абу Муслим Хавлонийнинг дуоси ижобат инсон эди. У қўлини кўтариб дуо қилди:

– Ё Аллоҳ! Ким хотинимни бузган бўлса, унинг кўзини кўр қилгин!

Кундузи Хавлонийнинг хотини олдига бир қўшни аёл кириб, бундай деган эди:

– Нега сизларда хизматкор ўйқ?! Эрингнинг халифа Муовия ибн Абу Суфён олдида ҳурмати бор. Ундан хизмат-

кор сўрасин. Сизларга беради!

Бузғунчи аёл кечаси уйида юрганида кўзлари кўрмай қолди. Уйидагилардан чироқни ким ўчирганини сўради. Улар чироқ ёниқ турганини айтишиди. Аёл билдики, Абу Муслим Хавлонийнинг дуоси унга таъсир қилган. Унинг оиласидагилар уни Хавлонийнинг олдиға олиб боришиди. Хавлоний унга раҳми келди ва дуо қилди. Аёлнинг кўзлари очилди!”

Афсус, қанча-қанча оиласидагилар мана шунаقا иғволар боис бузилмоқда. Улар уйимизни бузишга ҳаракат қилишади, биз эса уларни тинглаб ўтирамиз!

Аёл уйида тинч, ҳимояланган ва рози бўлиб яшайди. Эрининг қўли калталигини билади, у билан муроса қилади.

Бир куни уларнинг хонадонига хароб қилгувчи бир аёл келади. Уй соҳибасининг қулоғига Иблиснинг гапларини айтади.

Унинг гаплари қўйидагилар:

“Мебелларингиз ўйқ...

Гиламларингиз эски...

Нега янги кийимлар киймайсиз?..

Фалончига қаранг, ҳар куни янги кийим сотиб олади, сафарлар қилади, зиёфатлар беради...”

Азиз аёллар! Уларнинг гапини асло эшитманг. Қулоқ солманг уларга!

Улар уйингизни хароб қилиб кетишади, бузишади. Эр-хотиннинг орасига нифоқ солишади. Аёлнинг қалбидаги розиликни эрига нисбатан ғазабга айлантиришади. Секин-аста оила пароканда бўлади!

Эҳтиёт бўлинглар! Ҳасад гоҳида насиҳат кўринишида бўлади. Иғво гоҳида шафқат либосини кийган бўлади. Қачонлардир Иблис Одам алайхиссаломга: **“Сенга абадийлик дарахтини ва эскирмайдиган мулкни кўрсатайми?”** деган эди.

Аслида, Иблис гуноҳ-маъсият дарахтини кўрсатган эди. Шундан сўнг жаннатдан ажралиш содир бўлди...

Қўйдек ювош бузғунчилар нақадар жирканч! Улардан эҳтиёт бўлинг.

**Абдуқодир  
САМАРҚАНДИЙ, “Ургут”  
жоме масжиди ходими**





## Ҳомиладор аёл ва ҳомилага доир масалалар

Фарзанд – Аллоҳ таоло-  
нинг буюк инъоми. Неъмат-  
ни қадрлаш, унинг шукрини  
адо этиш ҳар бир бандага во-  
жибdir.

Мўмин фарзанди солиҳ бў-  
либ улғайишини истаса, унга  
муносиб она танлаши лозим.  
Ойша розияллоҳу анҳо ривоят  
қиласди: «Пайғамбаримиз алай-  
ҳиссалом: «Хулқи гўзал, ўзла-  
рингизга муносиб аёлга уй-  
ланишга интилинг. Тенгни  
никоҳингизга олинг ва ўша-  
ларга никоҳланг», деганлар  
(Илом Ибн Можа ривояти).

Ота-онанинг табиати фар-  
зандларда акс этади. Халқи-

мизда бежизга: «Олманинг  
тагига олма тушади», де-  
йилмайди.

Фарзандимиз ҳали дунёга  
келмасидан бурун унинг  
солиҳ бўлишини сўраб дуо  
қилишимиз керак. Шундай  
қилсан, пайғамбарлар алай-  
ҳимуссалом суннатларига  
эргашган бўламиз. Ояти ка-  
римада марҳамат қилинади:  
«Шу чоғда Закариё Раббига  
дуо қилиб: «Раббим, менга  
Ўз ҳузурингдан покиза зур-  
риёт бергин. Албатта, Сен  
дуони эшитувчисан», деди»

(Оли Имрон сураси, 38-оят).

куйидаги дуони айтган ҳол-  
да бир-бирларига яқинла-  
шишлари лозим: «**Аллоҳум-  
ма жаннибнаш шайтона  
ва жаннибиши шайтона  
маа розақтанаа**». Бу дуо  
“Саҳихул Бухорий”да Ибн  
Аббос розияллоҳу анҳумодан  
ривоят қилинган. Ушбу ҳа-  
дисда бу дуони ўқиган жуфт-  
ликнинг фарзандига шайтон  
зарар бера олмаслиги айти-  
лади.

Ҳомила пайдо бўлгандан  
кейин ҳам ота-она фарзанд  
ҳақига дуо қилишда давом  
этиши зарур. Аллоҳ таоло  
бундай дейди: «**У сизлар-  
ни бир жондан яратган ва  
сокинлик топсин учун ун-  
дан жуфтини яратган Зот-  
дир. Вақтики у (жуфтини)  
ўраганида енгил ҳомила-  
дор бўлди. Бас, у билан юр-  
ди. У оғирлашганда эса ик-  
ковлон Раббилари Аллоҳ-  
га: «Агар бизга солиҳ (фар-  
занд) берсанг, албатта,  
шукр келтирувчилардан  
бўлажакмиз», деб дуо қил-  
дилар» (Аъроф сураси, 189-  
оят).**

«**Раббим, менга (ҳам) ўз  
ҳузурингдан пок зурриёт  
ато эт! Дарҳақиқат, Сен дуо-  
ни эшитувчиидирсан**» (Оли  
Имрон сураси, 38-оят);

«**Эй Раббим! Мени  
ёлғиз ташлаб қўйма  
(меросхўр фарзанд ато  
эт!) Сен (Ўзинг) ворислар-  
нинг яхшироғидирсан**» (Ан-  
биёғ сураси, 89-оят);

«**Эй Раббим! Мени ва зур-  
риётимдан (кўп фарзандла-  
римни) намозни баркамол**

**адо этувчи қилгин! Эй Раббимиз! Дуоимни қабул эт! Эй Раббимиз! Ҳисоб-китоб қилинадиган (қиёмат) куни мени, ота-онамни ва (барча) мўминларни мағфират қилгин!” (Иброҳим сураси, 40-41-оятлар);**

**“Эй Раббим! Ўзинг менга солиҳ (фарзанд)лардан ато этгин!” (Софбот сураси, 100-оят);**

**“Эй Раббим! Менга ва ота-онамга инъом этган неъматингга шукр қилишга ва Ўзинг рози бўладиган солиҳ амални қилишга мени муваффақ этгин ва мен учун зурриётимни ислоҳ эт! Албатта, мен Сенга (гуноҳларимдан) тавба қилдим ва албатта, мен мусулмонлардан дирман” (Аҳқоф сураси, 15-оят);**

**“Эй Раббимиз, иккимизни Ўзингга бўйсунувчи эт ва зурриётимиздан ҳам Сенга итоат қилдиган уммат (чиқаргин)! Яна, бизга (ҳажга доир) ибодатларимизни кўрсатиб бер ва тавбаларимизни қабул эт! Албатта, Сен Таввоб (тавбани қабул этувчи) ва Раҳмлидирсан” (Бақара сураси, 128-оят);**

**“Парвардигоро, хотинларимиздан ба зурриётлари миздан бизларга кўз қувончини бахш эт ва бизларни тақводорларга пешво қилгин!” (Фурқон сураси, 74-оят);**

**“Мен унга Марям деб исм қўйдим ва унга ҳамда зур-**

**риётига қувғин этилган шайтоннинг ёмонлигидан паноҳ беришингни Сендан сўрайман” (Оли Имрон сураси, 36-оят);**

Ҳомила ҳар тарафлама яхши ривожланиши учун она жисмонан ва руҳан толиқмаслиги керак. Шу боис шариатимизда ҳомиладор аёлга ҳомилага зарар етмаслиги учун рўза тутмасликка рухсат берилган. Анас ибн Молик Каъбийдан ривоят қиласи: «Набий алайҳиссалом: “Албатта, Аллоҳ мусофиридан рўзани ва намознинг ярмини кечди. Ҳомиладор ва эмизклидан рўзани”, дедилар» (Бешовлари ривоят қилгандар). Аёл ҳомилани туғиб, болани қўқракдан ажратгандан сўнг яна рўза тутишни давом этади.

Ҳомиладор аёл фарзандни эсон-омон дунёга келтириб олишини сўраши, Куръон тиловати билан машғул бўлиши, Куръон ва суннатда келтирилган дуоларни ўқиши, истиғфор айтиши лозим.

Ҳомиладорлик аёлнинг намозларини қолдиришига сабаб бўлмайди. Фиқҳ китобларида тўлғоқ тутган аёл қандай намоз ўқиши ҳақида ҳукмлар, масалалар келтирилган.

**“Ҳидоя”, “Ихтисорул ривоя”, “Ал-фатво ал-муасиро” асарлари асосида Тошкент ислом институти фиқҳ фани ўқитувчisi  
Сурайё ИБРОҲИМОВА  
тайёрлади.**

## Она сутининг фойдалари

– она сути гўдак учун зарур бўлган қанд, витамин ва минерал тузлардан иборат барча моддаларни ўзида мужассам этган озиқадир;

– она сутидаги озиқавий моддалар боланинг ҳазм қилиш аъзоларида осон сўрилувчанлик хусусиятига эга бўлиб, у шифокорлар ва мутахассисларни ҳам ҳайратга солади. Бошқа сунъий озиқалар таркиби қанчалик бойитилмасин, барибир у яхши ҳазм бўлишда она сутига етолмайди;

– она сутидаги мўъжизавий хусусиятлардан яна бири унда моддаларнинг бир-бирига аралашиб кетмаслигидир. Улар ҳатто ошқозонга тушганидан кейин ҳам бир-бирига аралашиб кетмайди;

– она сутининг ҳар бир қатрасида қанднинг 150 тури мавжуд. Сунъий сутларнинг бирортасида бу кўрсаткич бир ёки икки навдан ортиқ бўлмайди;

– шифокорлар оналар ўз болаларини эмизишлари учун бир йил кифоя қиласи, деб ўйлашарди. Лекин охир-оқибат суякларнинг ривожланиши учун эмиш даври тўлиқ икки йил узлуксиз давом этиши зарурлиги маълум бўлди. Бу эса Аллоҳ таолонинг «Оналар болаларини тўлиқ икки йил эмизишади» (Бақара сураси, 233-оят) каломи мўъжиза эканини исботлайди.



# Қизнинг розилиги шарт

Она ҳамиша фарзандининг бахту камолини кўришини орзу қиласди. Бу ёруғ ният унинг фитратида бор. Агар фарзандига озор етса, тоқат қилолмайди. Баъзан эса нотўғри қарор чиқариб қўяди ва оқибатда боласининг бахтсизлигига сабаб бўлади.

Қизларнинг бахти турмуш қуриб кетиши қўп ҳолларда онасига боғлиқ. Афсуски, айrim оналар вояга етган, ўз фикрига эга қизларни эшитишни, тушунишни билмайди. Ўзларига маъқул бўлган ишни қилишади. Аммо бу масалада дабдабага ўчлиги панд беради. Бир воқеа сабаб икки оиланинг бошига синовлар келди. Нотўғри қарор, шошма-шошарлик ажрим билан ниҳоясига етди...

Махалланинг кўзга яқин қизи Ферузага кўп совчиilar келди. Азиза опа одоби ҳам жисми каби гўзал қизини сўраб келганларни гоҳ “камбағал оила экан” деб қайтарса, айримларини “уларга бизнинг бойлигимиз керак” деярад этарди. Бир куни шаҳардан келган совчиilar Азиза

опага маъқул келди. Лекин учрашувга чиқиб келган Феруза “йўқ” дея қатъий туриб олди.

– Нима бўлди, қизим? Йигит кўркамгина. Бадавлат оила фарзанди, ўзимизнинг тенгимиз. Ёмон одатлари йўқ, нимага йўқ деяпсан?

– Билмадим, ойижон, менга ёқмаяпти. Ёмон йигитга ўхшамайди-ю, лекин негадир унга ҳеч кўнглим илимаяпти.

Феруза бир неча марта учрашувга чиқди. Ҳар сафар йигитни кўрганида тажангланар, олдида бир дақиқа ҳам тургиси келмасди. Тўғри, келишган, гап-сўзлари ҳам жойида. Бироқ кўнгил истамаяпти. Азиза опа йўқ деб туриб олган қизининг кўз ёшларига ҳам қарамади. Охири тўйга кўндириди. Тўй куни ҳам Ферузанинг чехраси очилмади. Куёв эса шундай чиройли қизга уйланганидан хурсанд эди.

Тўйдан сўнг томоша бошланди: “Яшамайман, отамни чақиринг. Мени олиб кетсин...” Ноилож қудалар чақирилди. Икки томон кели-

шиб, ажримга ариза берилди. Шунча харажат, шунча ҳаракат. Судда куёвнинг онаси ўғлининг бетоблигини айтар экан, иложи бўлса, қизини эрга тегишига мажбурлаган онани жавобгарликка тортиш кераклигини айтди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: “...Бокира қизни унинг изни-розилиги олинмагунча турмушга берилмайди”. Саҳобалар: “Ё Расулуллоҳ, унинг розилиги қандай (билинади)?” деб сўрашди. “Сукут сақлаши (розилигидир)”, дедилар (Муттафақун алайҳ).

Совчиликка келган оиланинг бойлиги ва куёвликка номзод йигитнинг кўркамлигига мафтун бўлиб, қизининг кўнглига қарашни унуглан она вақтида ана шу ҳадиси шарифга амал қилганида қизгинасининг бахтига зомин бўлmas ва бу қилмишидан пушаймон бўлиб кўзёш тўкиб ўтирас эди.

**Тошпўлат АШУРОВ,**  
Бухоро вилояти  
Когон шаҳри

Инсоният бошига қулфатлар ёғдираётган ва ёшларнинг ўлимига сабабчи бўлаётган оғат – гиёҳвандлик балосидир. Ҳолбуки, Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳар қандай мастқилувчи, бадани бўшаштирувчи ва сусайтирувчи нарсалар (истеъмол қилиш)дан қайтаргандари айтилган (*Имом Абу Довуд, Имом Ахмад ривояти*).

Ҳадиси шариф ушбу қайтариқ билан бундай нарсаларнинг инсон ҳаёти учун салбий оқибатларидан огоҳлантирган. Инсоннинг ички дунёси ҳам, ташқи қиёфаси ҳам гўзал, соғлом ва пок бўлиши керак. Аммо гиёҳвандлик балоси ёшлар ҳаётини издан чиқариб, турли-туман балоларга гирифтор қиласди. Куръони каримда Аллоҳ таоло бундай марҳамат қиласди: “**Аллоҳ сизларга ризқ қилиб берган нарсаларнинг ҳалол ва покларини тановул қилинг ва ўзингиз иймон келтирган Аллоҳдан қўрқинг!**” (*Муїда сураси, 88-оят*).

Бу иллат нафақат отоналарнинг, балки барча давлатларнинг долзарб муаммосига айланиб улгурган.

Наркомания ва наркобизнесга қарши кураш халқаро ассоциациясининг маълумотларига қараганда, бугунги кунда гиёҳванд эркаклар-

нинг ўртача ёши 31, аёлларники эса 28 ни ташкил қиласди. Уларнинг 77 фоизи 39 ёшдан катта бўлмаган шахслар бўлиб, ярмидан кўпроғи 15–19 ёшли ўсмирлар. Аҳвол шундай давом этадиган бўлса, дунё миқёсида уларнинг умумий сони яқин орада икки баробар ошиш хавфи борлиги билдирилган.

Аср вабоси деб аталаётган гиёҳвандлик исканжасига тушган-

ларнинг 43 та сабабидан гиёҳвандлик оқибатида содир бўладиган ўлим 19-ўринда туради. Статистик маълумотлар бугунги кунда наркобизнес савдосидан тушадиган даромад йилига 400 миллиард долларни ташкил этишини кўрсатади. Шу билан бирга жаҳонда содир этилаётган жиноятларнинг 57 фоизи гиёҳвандлар ҳиссасига тўғри келади.

Гиёҳванд моддаларга муккасидан кетиш қуидаги оқибатларга олиб келади: талончилик, ўғрилик, фирибгарлик, оилаларнинг дарз кетиши, мажруҳ фарзандлар туғилиши, беҳаёлик, жиноят, қотиллик ва ўлим...

Азиз ўғил-қизларим, Аллоҳ таоло берган шириң жонингизга хиёнат қилманг! Покиза ва гўзал ҳаёт кечиринг, узоқ умр кўринг. Гиёҳвандлик балоси орқасидан ажримлар бўлиб, қанча гўдаклар тирик етим бўлиб қолмоқда. Муқаддас оила аталмиш азиз ошёнлар бузилмоқда. Айрим оилаларда гиёҳвандлик орқасидан мажруҳ ва ақли ноқис фарзандлар дунёга келиб, азоб чекаётганларни кўриб, эшитиб турибмиз. Огоҳ бўлинг! Гиёҳвандлик жиноят сари бир йўл, тубсиз жарлиkdir.

## ГИЁҲВАНДЛИК – ЖОНГА ХИЁНАТ

ларнинг аксари 15–35 ёш орасида бўлган йигит-қизлар бўлиб, уларнинг сони 500 миллиондан ортади. БМТ эксперtlари ўтказган тадқиқотлар хulosаларига кўра, жаҳонда ҳар йили тахминан 200 минг наркоман вафот этмоқда. Дунё миқёсида қайд қилинадиган ўлим-



**Хосият ХУДОЙБЕРДИЕВА,  
Косонсой тумани  
отинойиси**



## Аёл соғлом – жамият соғлом

Динимизда соғлом турмуш тарзининг таянчи бўлган оила муқаддас ҳисобланниб, туғилажак фарзанднинг маънан баркамол, жисмонан соғлом бўлишига алоҳида эътибор қаратилади. Болага гўзал тарбия бериб, камолот сари етаклаш, соғу саломат вояга етказиша онанинг ўрни бекиёс.

Она бу – фарзандларимиз тарбиячиси, хонадонимиз бекаси, уйимизнинг кўрку чиройи. Аёл ҳаётда жисмонан соғлом, маънан баркамол бўлса, демак, жамият соғлом бўлади. Чунки фарзандларга бошланғич таълим-тарбия ва одоб-ахлоқни асосан оналар ўргатади. Шундай экан, келажак авлоднинг қанчалик солиҳ бўлиши бугунги оналарнинг қанчалик солиҳа бўлишига боғлик. “Ҳар бир буюк шахснинг ортида аёл бор” деган ҳикматда жуда катта маъно бор.

Аёл, аввало, она сифати-

да қадрланади. Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳадиси шарифларида “Жаннат оналар оёғи остидадир” (Имом Кузъий ривояти), деб онанинг мартабаси нақадар улуғлигини хабар қилганлар.

Мутафаккир Абдулла Авлоний: “Баданинг саломат ва қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадир. Чунки ўқимоқ, ўқитмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга қучлик, касалсиз жасад лозимдур. Фикр тарбияси учун маҳкам ва соғлом вужуд керакдир”, деб таъкидланган. Бу, айниқса, оналар учун муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Ҳазрат Амир Темур бундай дейди: “Ўғилларим, набиralарим ва яқинларимни уйлантироқ ташвишида келин изламоқча эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлиари билан тенг кўрдим. Келин бўлмишининг насл-насаби етти пуштини суриштирдим. Хос одамлар орқали соғлик-са-

ломатлигини, жисмонан камолотини аниқладим. Келин бўлмиш насл-насаби, одобаҳлоқи, соғлом ва бақувватлиги билан барча қусурлардан холи бўлсагина, эл-юртга катта тўй-томоша бериб, тўй тушурдим”.

Ҳар бир ота-она балоғатга етган ўғлини уйлантириб, қизини турмушга узатади ва Аллоҳ таолодан солиҳ фарзанд ато этишини тилайди. Зоро, соғлом, баркамол ва солиҳ фарзандгина ўз ота-онаси, ҳалқи, Ватани баҳт-саодати йўлида хизматга шай туради, жонфидо бўла олади.

Солиҳ, пок зурриёт сўраш ҳақида Аллоҳ таоло бундай дейди: «Ўша жойда Закариё Раббига илтижо қилиб, деди: “Раббим, менга (ҳам) ўз ҳузурингдан пок зурриёт ато эт! Дарҳақиқат, Сен дуони эшитувчи дирсан”» (Оли Имрон сураси, 38-оят).

Шариатимизда туғилгандаридан умрларининг охиригача аёлларга ғамхўрлик қилиш эркаклар зиммаларига юклатилган. Аёллар турмушга чиққунича оталари, никоҳдан сўнг эса эрлари қарамоғида бўладилар. Уларнинг моддий ва маънавий таъминотлари маҳрамлари зиммасига юклатилади.

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қиласи: “Биз инсонга ота-онасини (рози қилишни) буюрдик. Онаси уни заифлик устига заифлик билан (корнида) кўтариб юрди” (Луқмон сураси, 14-оят).

Ушбу оятларда онанинг ҳомиладорлик даврида қанчалик мashaққат тортиши зикр қилингапти. Аёллар, агар юқорида айтилганидек, ҳомиладор ёки эмизикли бўлса, динимизда уларнинг ва

фарзандларининг саломатлигига зиён етмаслиги учун ҳатто ибодатларда енгиллик берилган.

Рўза – фарз ибодат, шариат арконларидан бири бўлса-да, ҳомила-дор аёлга рўза тутмасликка рухсат берилгани дини мубийнимизда оналарнинг саломатлигига қанчалик юксак эътибор берилганинг яққол намунасиdir.

Қуръони каримда оналарга фарзандларни эмизишга буюриб бундай марҳамат қилинади: “Оналар болаларини тўла икки йил эмизадилар...” (Бақара сураси, 233-оят).

Аллоҳ таоло ушбу ояти карима орқали чақалоқни икки ёшгача эмизиш болага ва онанинг саломатлигига нақадар фойдали эканига ишора қилиб, оналарга эмизиш таълимими ўргатмоқда.

Мазҳабимизнинг мўътабар манбаларидан «Дуррул мухтор» китобининг «Никоҳ фасли»да бундай дейилади: “Одамзодга никоҳ



Завқиддин Орипов 1977 йили Бухоро вилоятида таваллуд топган.

1996 йили “Мир Араб” мадрасасини, 2020 йили эса И мом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтини тамомлаган.

1998 йилдан бери Қизилтепа тумани «Боязид Бистомий» жоме масжиди имом-хатibi ҳамда туман бош имом-хатибиидир.

ва иймондан бошқа ҳатто жаннатда ҳам давом этадиган ибодат йўқ. Оила шундай саодатбахш бир боғки, у ҳатто жаннатда ҳам давом этади. Ҳар қандай шартнома муайян муддатдан сўнг кучини йўқотади, аммо бир-бирларидан рози бўлган умр йўлдошларнинг биргаликдаги ҳаёти ўлим билан ҳам тугамайди”.

Дарҳақиқат, аёли йўқ хонадон чироғи йўқ уйга ўхшайди: на ёруғи бор, на тафти. Аёли соғлом бўлган уйда эса байрам нафаси уфуриб туради, ҳар куни шодиёна ва хурсандчилик. Болалар ҳам маҳзунлик нималигини билмасдан яйраб-яшнаб, ўйнаб-кулиб вояга етади.

Шундай экан, азизлар, қизларимизнинг соғлигига эътиборли бўлайлик, уларнинг соғлом она бўлиб камол топиши йўлида ҳеч нарсамизни аямайлик. Илло, бу миллат саломатлиги билан боғлиқ ғоят жиддий масала.

**Завқиддин ОРИПОВ,**  
Қизилтепа тумани  
бош имом-хатиби

## Юћакка даво таалбина

Талбина – машҳур таомлардан. Сут ва бошқа маҳсулотлар билан қўшиб тайёрланадиган мазкур таомни Пайғамбаримиз Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам суйиб истеъмол қилганлар ҳамда бошқаларга ҳам тавсия этганлар.

Ойша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинган ҳадисда бундай дейилади: «Мен Аллоҳнинг Расули соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: “Талбина беморнинг юрагини тинчлантиради ва ўзи билан ғамнинг бир қисмини олиб кетади”, деганларини эшитганман» (И мом Бухорий ривояти).

Шунингдек, мазкур таом иммунитетни мустаҳкамлади. Хусусан, Ибн Сино “Тиб қонунлари” асарида арпадан тайёрланган шўрванинг иситма учун шифобаҳаш таъсири ҳақида ёзган.

Талбина қуйидагича тайёрланади:

- 1 финжонда арпа уни;
- 1 стакан сув;
- 2 стакан сут;
- таъбга кўра асал.

Тайёрланиши:

Идишга 1 истакон сув ва 2 истакон сут солинг. Сўнг финжондаги арпа унидан солиб аралаштиринг. Массани оловга қўйинг ва аралаштириб туринг. Таом жуда қуюқ ҳам, суюқ ҳам бўлмасин.

Ўртacha ҳолга келгач, таом тайёр бўлади. Таъбин-гизга кўра бўтқанинг ичига асал солишин-гиз ёки қўшиб истеъмол қилишин-гиз мумкин.

Буни, албатта, тайёрлаб кўринг!

Интернет  
манбалари асосида  
**Ойсара ДАДАЕВА**  
тайёрлади.



# Ғам-андуҳни кетказишнинг

## 27 йўли

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.)

### Йигирма учинчи йўл:

**Аллоҳумма икфини биҳалика ъан ҳаромика ва ағнини бифазлика ъамман сивак.**

**Маъноси:** Ё Аллоҳ, мени ҳалолинг билан кибоялантирир ҳамда Ўз фазлинг билан Ўзингдан ўзгадан беҳожат қил.

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу ривоят қиласиди: «Мукотоб қул унинг ҳузурига келиб: “Ўзимни озод қилишга қудратим етмаяпти, менга ёрдам беринг”, деди. Али розияллоҳу анҳу бундай деди: “Набий алайҳиссалом менга ўргатган калималарни сенга ўргатайми? Гарчи зиммангда Сирин тоғи мислича қарз бўлса-да, Аллоҳ таоло уни сенга адо этиб беради. Бундай дегин: “Ё Аллоҳ, мени ҳалолинг билан кибоялантирир ҳамда Ўз фазлинг билан Ўзингдан ўзгадан беҳожат қил”» (Ином Термизий ривояти).

### Йигирма тўртинчи йўл:

**Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтишни кўпайтириш.**

Туфайл ибн Абу ибн Каъб раҳимаҳуллоҳ отаси розиял-

лай сизга салавот ва салом айтишга ажратайми?” деб сўрадим. Набий алайҳиссалом: “У ҳолда Аллоҳ таоло ғам-ташвишинга Ўзи кибоя қиласи ва гуноҳларини кечиради”, дедилар» (Ином Термизий ривояти).

Ушбу ҳадиси шариф борасида уламолар қуидаги фикрни айтадилар: “Ким Пайғамбаримиз алайҳиссаломга битта саловат айтса, Аллоҳ таоло унга ўнта саловат йўллади. Кимга Аллоҳ салавот йўлласа, Аллоҳ унинг ғам-ташвишини аритади ва гуноҳларини мағфират қиласи”.

### Йигирма бешинчи йўл:

**Қуръони карим тиловати ва зикр.**

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қиласиди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Бирор-бир қавм Аллоҳ таолонинг байтларидан бирида Қуръони каримни ўқиши, уни биргаликда ўрганиши учун жамланар экан, уларга осоийшталик тушади ва раҳмат ёғилади, фариштапар ўраб олади ҳамда Аллоҳ таоло Ўзининг ҳузуридагилар орасида уларни зикр қиласи”, дедилар» (Ином Муслим ривояти).

(Давоми бор.)

**Ю. Комилова таржимаси**

## Боязид Бистомий раҳимаҳуллоҳнинг онаси

Боязид Бистомий раҳиматуллоҳи алайҳ борасида Жунайд Бағдодий бундай фикрларни билдирган: “Аллоҳ таоло Жаброил алайҳис-саломга фаришталар ичидагу улуғ обрў-эътибор берган бўлса, авлиёлар орасида бундай мартабага Боязид Бистомий сазовор бўлган”.

Жунайд Бағдодий сўзида давом этиб, Боязид Бистомий ҳақидаги қуидаги воқеани сўзлаб берди: “Боязид Бистомий раҳматуллоҳи алайҳ ёшлигига етим қолиб, онаси қўлида тарбия топди. Мадраса ёшига етганида онаси бир устоз қўлига олиб бориб топшириди ва бундай деди: “Устоз, болани тарбиялаб беринг. Кўп уйга рухсат берманг. Зеро, уйга борса, фикри чалғиб, илмдан маҳрум бўлиб қолиши мумкин. Бир куни бола қалбида онасини бориб кўриш истаги туғилиб, устоздан рухсат сўради. Устоз кўп дарс бериб, уларни ёдлаб топшириб, кейин кетасан, деган шарт қўйди. Бола тезлик билан берилган топширикни ёдлаб бериб, уйига борди ва дарвозани тақиллатди. Боязид Бистомийнинг онаси

си таҳорат қилаётган эди. Эшикнинг тақиллаши овоздидан ўғли келганини тушунди. Дарвоза олдига бориб: “Ким?” деди. У: “Боязид Бистомийман” деб жавоб берди. Она: “Менинг ҳам Боязид Бистомий деган ўғлим бор эди. Уни Аллоҳ таоло йўлида мадрасага бердим. Эшигимни келиб тақиллататётган қайси Боязид?” деди.

Боязид Бистомий онасининг бу сўзларидан қуидагиларни тушунди: “Онам менга эшикни тақиллатиш ўрнига мадрасага бориб, Аллоҳ таоло эшигини тақиллатгин. Аллоҳ билан боғланишни барча нарсадан устун деб билгин, демоқчи”, деб ортига қайтиб кетди ва олим бўлганидан кейин мадрасадан чиқди.

*“Тақво аҳлининг гўзал қиссалари” китобидан.*

## Суфён Саврийнинг онаси

Суфён Саврий раҳимаҳуллоҳ Ислом оламидаги энг кўзга кўринган ва забардаст уламолардан бири. Унинг диний таълим олиши ва тарбиясида онаси қаттиқ қайгуарди. Онаси ўғлига бундай деб

айтарди: “Ўғлим! Сиз барча вақтингиз ва саъй-ҳаракатингизни фақат илм эгаллашга сарфланг. Мен сизнинг барча эҳтиёжларингизни ип йигириб ҳал қиласман” (“Сифат ас-Сафво”, Ж.2. – Б.110.).

Бир кечада Суфён Саврий раҳимаҳуллоҳ осмонга қараб ётарди. Бироз ўтиб гүёеки кўксида юраги йўқдек туюлди. Бу ҳақда онасига хабар берди. Онаси бундай жавоб берди: “Афтидан, сиз мулоҳаза қилиш, фикр юритиш ниятида осмонга қарамаган кўринасиз. Вақтингизни бехудага ўтказишдан узоқ бўлинг. Ҳар бир ишда тафаккур қилишга одатланинг!” (“Мисал-э Ҳавотейн”, Б.180.)

Ўтмишда оналар нақадар узоқни кўра оладиган, маънавий жиҳатдан кучли бўлган!

Афсуски, айрим ота-оналар фарзандини Аллоҳ толодан узоқлаштирадиган, уларнинг соф фитратини бузадиган ишларга ундейди. Энг ташвишга соладиган ҳолат шуки, баъзи ота-оналар фарзанди учун бой-бадавлат бўлса, бас. Ўғил-қизлари илм-маърифатли, динимизга, инсониятга хизмат қиласиган инсон бўлиши учун уларнинг таълим-тарбиясига унчалик эътибор қаратмайди.

Даврон НУРМУҲАММАД



# Оилавий зўравонлик – иёмон заифлигидан

Мутахассислар оилавий зўравонликни энг кўп учрайдиган жиноятлар сира-сига киритади. Чунки жамиятнинг ўзи оиласдан ташкил топар экан, оилавий можаролар ҳам жамият эътиборининг қоқ марказида бўла-ди-да.

Аслида оилавий зўравонлик энг қашшоқ ва аҳоли-си саводсиз давлатларда юз беради. Улар-нинг кўплаб аҳоли-си рўйхатга ҳам олинмагани боис неча аёлнинг оилавий зўравонликка учрагани, нечовининг ҳаёт-дан кўз юмиб кетганининг ҳисоби-ни ҳеч ким билмайди.

Шунингдек, ри-вожланиб бораёт-ган давлатларда ҳам аёллар-нинг оилавий зўравонликка дуч келаётгани айтилмоқда. Улар сирасидаги Мексика ва ҳиндистонлик аёллар бу ишда ўзларини айбдор деб санашар экан.

Ривожланган давлатларда, айниқса, АҚШ ва Франция-да аёлларнинг оилавий зўравонликка учрашининг сабаби кўпчилик тасаввур қилганидек, уларнинг хукуқла-

ри чеклангани боис эмас, ак-синча, хукуқларининг ҳатто одоб-ахлоқ доирасидан ҳам ўтиб, чексизлашиб кетгани-дандир. Масалан, уйига дўстим деб бегона эркакни эргаштириб келади. Шу ишга ҳамияти бор эркак рози бўладими?..

Масаланинг яна бир жиҳа-ти шундаки, ҳар қандай шароитда – уйда бўладими, кў-

линиши керак? Буни казо-ка-зо ташкилотларнинг ўзлари ҳам билмайди. Бу борада қи-лаётган ишларининг нати-жаси тескари бўлаётганига ўзлари ҳам ҳайрон бўлмоқда.

БМТ Бош Ассамблеяси 2000 йилда қабул қилган резолюциясида ҳар йили 25 ноябряни Халқаро хотин-қиз-ларга нисбатан зўравонли-кларга барҳам бериш куни сифатида нишонлаш таъкидланади.

Анъанага бино-ан ҳар йили 25 но-ябрь куни “Гендер зўравонликлари қарши фаол 16 кун” деб номланган кам-панияга старт бе-рилади. Бу кампа-ния Халқаро инсон хукуқлари куни ни-шонланадиган 10 де-кабрда якунланади.

Бош Ассамблея резолюци-ясида жаҳон мамлакатлари ҳукуматлари, БМТ тизими-даги ташкилотлар, халқаро ва ноҳукумат ташкилотлар-га мурожаат қилиб, шу куни хотин-қизларга қарши зўра-вонликлар билан боғлиқ му-аммоларга эътибор қаратиш тавсия қилинади. Ушбу сана муносабати билан ҳар йили БМТ Бош котиби мурожаат билан чиқиб, хотин-қизлар-



га нисбатан зўравонликлар жаҳон бўйлаб кенг тарқалиб бораётганига алоҳида эътибор қаратади ва бу муаммони бартараф қилиш борасида биргаликда ишлашга чақиради.

Хўп, шундан кейин оиласий зўравонликлар сони камаяптими? Дунёда зўравонликлар сабабли ҳалок бўлган аёлларнинг 33–50 фоизи эрларининг калтакларидан вафот этаётир. 2000 йилда ҳам шундай эди, ҳозир ҳам шундай. Бугунги кунда 60 та мамлакатда оиласий зўравонликларга бағишлиланган қонун қабул қилинган. Бироқ ўша давлатларда оиласий зўравонлик барҳам топдими?..

Аёлни Ислом дини эъзозлади, яъниким уни меҳрибон она, муштипар опа-сингил, мушфиқа қиз деб билишни, уларга меҳрибончилик қилишни, жисмига оғирлик қиласидиган ишларни буюрмасликни амр этди. Шунингдек, динимиз аёлнинг жамиятдаги ўрнини ҳам таъмин этди. Бунинг натижасида аёллар дала ишларидан, чўпон-чўлиқликдан ва бошқа оғир ишлардан озод қилиниб, мусулмонлар уйларининг маликаларига айланди. Мусулмон аёлларига қанчалик ҳаваси келиб уларни “хонадон маликалари” деб атаган ҳам XVIII юзийилликда Франциянинг Туркиядаги элчисининг аёли эди.

Аёлга муносабат масаласида динимизда нима деийлган?

**“Ва улар ила яхшиликда яшангиз. Агар уларни ёқтирасангиз, шоядки, Аллоҳ сиз ёқтирамаган нарсада кўпгина яхшиликларни қилса”** (*Нисо сураси, 19-оят*).

Мазкур ояти каримада Раббимиз эркакларга аёллар билан ширин муомала қилиб яшашни буюрган ва бунинг замирида ниҳоятда фойдаси катта ҳикматлар борлигига ишора қилган.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам ҳадиси шарифларида ушбу оятни мазмунан давом эттирсанлар:

**“Сизларнинг энг яхшиларингиз – аёлига яхши муносабатда бўлганларингиз. Мен (ичингизда) аҳли (аёли)га яхшилик қилувчироқман”** (*Имом Насоий ривояти*);

**“Аллоҳнинг чўрилари (аёллар)ни урманглар”** (*Имом Ибн Можа, Имом Доримий ривояти*).

Куръони карим мусулмонларга ўз ҳаётларида Расулуллоҳдан ибрат олиб яшашни амр қилган:

**“Батаҳқиқ, сизлар учун – Аллоҳдан ва охират кунидан умидвор бўлганлар учун ва Аллоҳни кўп зикр қилганлар учун Расулуллоҳда гўзал ўrnak бор эди”** (*Азҳоб сураси, 21-оят*).

Худди шундай, азизлар! Инсоният қачонки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва



салламдан ўrnak олиб яшашни бошласа, кишилик жамиятининг энг оғир дарди бўлиб турган ва ечимини топа олмаётган мураккаб муаммоли – оиласий зўравонликлардан ҳалос бўлади. Аёллар хонадонларнинг чинакам маликасига, фарзандлар отасининг росмана дилбандларига айланади. Муамманинг ечими жуда ҳам осон, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ўrnak олинса ва қалбдаги кибру ҳаволардан воз кечилса, шунинг ўзи кифоя.

**Анваржон ГАНЖИЕВ,**  
Гузор тумани бош имом-хатиби.



Анваржон Ганжиев 1975 йили Қашқадарё вилояти Ғузор туманида туғилган. 1996 йили “Мир Араб” мадрасасини, 2021 йили Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтини тамомлаган.

1998 йилдан буён «Ҳазрати Мир Жанда» жоме масжиди имом-хатиби ҳамда Ғузор тумани бош имом-хатибиdir.

**Аҳмад Лутфий ҚОЗОНЧИ**

# Ўгай она

*(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.)*

- Раҳмат, соғ бўлинг, хола! Сиздан ҳам Аллоҳ рози бўлсин! Күёвингизга турмушга чиқишимнинг энг асосий сабаби шу икки гўдакка қараш эди. Балки ишонмассиз, уларни ўз фарзандимдай яхши кўраман. Ҳозир боғда ўйнаятилар, аммо менинг хаёлим уларда, йиқилиб, бир ери лат емасин, оғримасин, деб ич-этимни ейман. Эртага мавлид ўқитмоқчиман, борсангиз, жуда мамнун бўлардим.

- Яна бироз тузалсам, бораман. Хайриям вафот этган уйга кирмагандим. Энди қандай кираман, билмадим?!

- Энди мен қизингизман. Қаранг, невараларингиз бор. Мавлидни Хайрияхоним руҳига бағишлаб ўқитмоқчиман. Боринг, кутаман!

Болалар ўйинга берилиб кетдилар. Фотимахоним деразадан чақириди:

- Ҳусайн! Синглингни олиб кел, кетамиз.

- Яна бироз ўйнайлик, она! Ҳўпми?

- Йўқ, оппоғим, оқшом бўлди. Отанг келади, уйда бўлишимиз керак.

Хайллашдилар. Момо икки гўдакни етаклаб, инсоний мақомнинг баланд поғонасида, муруват чўққиларида виқорли қадамлар ташлаб кетаётган бу хонимга кўксида ажаб туйғуларга тўлган ҳолда қараб қолди. Кўча муюли-

шига етгунча кузатиб турди. Сўнг ичкари кирди. Энди уларни кўнгли билан кузатарди. Кўнгилнинг кузатиши учун кўзнинг кўриши шарт эмас. Лаблари пичирлаб дуо қилди: “Аллоҳ сендан рози бўлсин, қизим!”

Тонглаб Одилбек бозорга чиқаётганда Фотимахоним унга пичапул берди.

- Бунга қанд олиб келинг. Ҳозирлик кўрайин.

Одилбек пулни қайтарди.

- Ўзим ололмайманми, Фотимахоним?! Олиб қўйинг.

- Мавлидни мен ўқитаман. Қандини олиш менинг зиммамда. Хоҳласангиз, сиз ҳам Хайрияхоним руҳига истаганингизни бағишиланг.

Одилбек индамасдан пулни олиб кетди.

\*\*\*

Мавлидга келганлар унчалик кўп эмас: Хайриянинг онаси, Одилбекнинг аммаси ва холаси, Фотимахонимнинг онаси, қўшнилардан тўққиз-ўнтаси ва мавлид ўқийдиган отинойи.

Фотимахоним кўпчиликни хоҳламади. Шовқин-сурондан бошқа нарса бўлмайди, деб ўлади.

Таклиф этилганлар мавлид Хайрияхоним номига ўқилганини эшитгач, Фотимахонимни табриклидилар. Бир-бирларига “Хонимлик мана бундай бўпти-да”, дейишиди.



Фотимахонимнинг фикрича, бу мавлид Хайрияхоним руҳи покига бағишиланганини айтиш лозим эмас эди. Ўзини кўрсатишни яхши кўрмаслигини билганлар биладилар, қадрлайдилар. Унинг бу тушунтиришдан асосий мақсади нима эканини билганлар ҳар ҳолда хонимнинг бу ҳаракатини маъзур кўрсалар керак. Ўлган кундошига чин дилдан ҳурмат кўрсатган хонимлар сони бир шаҳардаги маҳалла бошлиқларидан озроқдир. Фотимахонимнинг шу гурӯҳга мансублиги билиниши зарур. Болаларга ўгай онадек эмас, ўлган қариндошининг болаларига қарагандай қаравини маҳалла аёллари билишлари шарт. Билсинлар, токи бундан буёғига болаларнинг қулоғига етим эканини айтиб, пичир-пичир қилмасинлар. Мана мавлид ўқитишидан кўзланган мақсад ва ғоя. Йўқса, Хайрияхонимга садақа сифатида ўқилиши керакмиди? Фотимахоним келганидан бери бирор кун унинг ҳақига дуои ҳадя этмакни унутгани йўқ.

Эшигига келган фақирни севинтиаркан, эҳсонини мутлақо Хайрияхоним номига атади, кечгача унга оид молдан ўзи учун садақа қилиш муруватга зид эканини ҳар гал виждонидан эшитиб турди. Дараҳт соясида дам олиб, мевасидан тотиб, экканни ва етиштирганни дуо қилиш инсонийликдан ҳисобланганидек,

Хайрияхонимнинг меҳрлари сингган хонадонга келиб, кўнглида унга нисбатан ёмонлик туймади. Тез-тез “Агар мен ўлиб, болаларим бошига бир хотин келиб, не қилса мамнун бўлардим?” деб баъзан Хайрияхоним парда ортидан болаларига муносабатимни кузатади, дея қабул қилиш, фақат буларни Хайрияхоним мамнун бўлади, деб эмас, Аллоҳ рози бўлишини тушуниб, унинг амрини адо этаётганини англаш, унга хос бўлган ва айни ўринда таъкидланиши зарур хусусиятлардандир.

Айтишга осон. Масалан, ювиб тозалangan кийим ярим соат ўтмасдан яна ювадиган ҳолга келиши, Одиланинг овқатланишида пешбанд тақимига кўнмай, овқатни либосига тўкиши, Ҳусайннинг ўйнаётганда йиқилиб, ҳамма ёғини лой қилиши каби сон-саноқсиз ҳодисалар... Булар қаршисида сабру таҳаммул кўрсатиб, болаларни Исмоил, ўзини Саниҳа ўрнига қўймаслик, ҳатто ўз фарзандини бу ҳолда кўриб, ёмон сўзлар айтадиган аёллар савијасига тушмаслик буюкликнинг ифодасидир.

Фотимахоним болаларнинг бу ишларидан хафа бўлмасди, дейиш нотўғри бўларди. У ҳам оддий инсон – бандай ожиза, унинг ҳам хуш, нохуш пайтлари, яхшиликдан суюниб, ёмонликдан күюнишлари бор. Фақат болаларнинг бу қилмишларидан хафа бўлиш бошқа, бу хафачилик туфайли яхши ёки ёмон ҳаракатда бўлиш, сабр этиш ёки сабр этмаслик яна бир бошқа гапдир. Инсонлик мезони хафа бўладиган, қайғули ҳодисалар олдида ғам чекиб-чекмаслик эмас, бу ҳодисаларни сабр ва матонат билан қаршилаш ҳамда афв этишдир. Фотимахоним жажжи гўдаклар-

дан етук нинсонлардек ҳаракатларни кутиш ножоиз эканини яхши англайди. Шу сабабдан уларнинг нохуш қилмишларидан хафа бўлса-да, ёмон сўз айтмоқдан ўзини тия оларди. Албатта, болалар бундай ишларни атай қилмайдилар. Яъни Фотимахонимга азият берайлик, деб қилмайдилар. Қолаверса, Фотимахоним бу уйга уларни урмоқ, қарғамоқ, кўнгилларини қолдирмоқ учун келмади-ку... Уларнинг яраларига малҳам қўйиш нияти билан келди! Бунда Аллоҳ ризолиги мавжудлигидан умид қилди.

Икки кече аввал ўтган воқеа Фотимахонимнинг бу хусусдаги фикрини очиқроқ кўрсатади.

Дастурхон атрофида ўтиришаркан, Одилбек Одилага пешбанд тутишни буюрди, қизалоқ акслик қилиб, туттирмади, иккинчи қошиқни олаётганда овқат уст-бошига тўкилди, Одилбек асабийлашиб, бир шапалоқ туширди. Қизалоқ чинқира бошлади. Фотимахоним емақдан чекинди.

– Овқатингизни емайсизми, Фотимахон?!

– Емайман!

Бироздан сўнг Фотимахоним туриб, даҳлизга чиқди. Орқасидан Одилбек ҳам чиқди:

– Нега овқатингизни емадингиз, Фотимахон?

– Нега болани урдингиз? У биллиб, хоҳлаб тўқдими?

– Мен унга айтдим, пешбанд тутмади.

– Болалик дегани шундай бўлмайдими? Йигирма ёшли қиздан кутиш керак бўлган нарсаларни кутмайсиз-ку шу гўдақдан. Бола бўлмаганмисиз, болалигингизни унутдингизми? Ҳамманинг боласи шундай, ҳамма болалар шундай қилишади. Мен урсам, сиз мени қайтариш ўрнига тескариси бўляпти, бундан кейин сиз ўгай

ота бўласиз, мен ўз онаси...

– Фотимахон, ҳаммаси сизнинг зиёнингизга бўляпти. Уни артиб-ювадиган сиз эмасми?

– Албатта, мен!

– Жонингизни бунчалик қийнаб сизга нима зарур?

– Ачинишга мендан кўра болалар кўпроқ муҳтоҷ. Ер юзида буларга ачинадиган, қарайдиган бир сиз ва мен. Буни ёлғиз менга ташлаб қўясизми? Бунга Аллоҳ рози бўладими? Модомики, кирларини ювадиган мен эканман, сабрим тугагунча сиз ҳам сабр қиласиз. Яхши бўлиб кетади. Тарбиямизга Аллоҳ ёрдам беради. Мен бунга ишонаман. Энди бориб унинг кўнглини олинг, шундай қилсангиз, мен ҳам овқатланаман. Боринг!

Одилбекнинг боши эгилди:

– Фотимахон, мени уялтиридингиз, – дея ичкарилади.

\*\*\*

Келганларга мавлид таъсири катта бўлди. Мамнун кетдилар. Бундан сўнг Фотимахоним тўғрисида нари-бери сўзлайдиганлар топилса-да, болаларга етимлигиги эслатишга ўхшаган ҳодисалар ниҳоясига етди.

Мавлид ўқитилган кечаси эди. Фотимахоним тун ярмида уйғонди. Соат бир яримни кўрсатмоқда. Боққа чиқди. Осмонни булат қоплаганди. Шамол эсар, дарахтларнинг шохлари чайқалар ва енгилгина фифон қилиб қўяди. Бу манзара кундуз кунлари ҳис этиш қийин бўлган туйғуларни қўзғарди. Буталар орасидаги қочирган ови олдидан чиқсан овчидаи ўлдузларни қувлаган ой баъзан бирпас булутлар орасига яшириниб, яна умид ва шиддат билан олға интиларди...

(Давоми бор.)  
Йўлдош ЭШБЕК  
таржимаси

# Асал билан даволаш

## Ошқозон ярасида...

Эрталаб ва кечқурун 1 чойқошиқ асал оғизга солиб, шимиб юрилса, текишкастиради.

## Бола кечаси ийғласа...

Вақти-вақти билан лабингизга асал суртинг. Катталарга ҳам уйқусизликда асал ёрдам беради. Бунинг учун валериана эритмасини асалли сувга қўшиб ичиш керак.

## Кўзга фойдали

Асални қизил сабзи шарбатига қўшиб, доимий равишда ичиб юриш лозим.

## Гемоглобин пасайса...

Кефирга асал аралаштириб ичсангиз, гемоглобинни кўтаради.

## Томоқ оғриғида...

1 литр қайнаган сувга 100 грамм асал ва 50 грамм туз қўшинг. Ушбу аралашма билан ғарфара қилинса, яллиғланиш жараёнини



тўхтатади. Бурунга олиб чайилганида эса гайморитни даволашда кўмаклашади.

## Қон босими тушади...

Асални ялпиз ва кашнич шарбатига аралаштириб ичилса, қон босими тушади.

## Тери куйганда...

Шивит сувига асал қўшиб ярага қўйиб боғланса, ёрдам беради.

## Қовуги бўш болаларга...

Доимий равишда нўхат, асал ва петрушкани аралаштириб бериб турилса, пешоб тутишни яхшилайди.

## Йўтам безовта қиласа...

Илиқ сутга асал солиб ичинг.

## Гриппга қарши...

200 граммдан асал ва сариёғ, 20 грамм ун ва уч дона тухум сариғини қўшиб, кўпиртилинг. Аралашманни музлаткичда сақланг. Кунига 3 маҳал 1-3 чойқошиққа 1 томчи люголь эритмасидан солиб, овқатдан олдин қизил сабзи ёки лимонли сув билан ичинг.

**Абдуқодир САТТОРОВ,**  
“Малҳам” табобат маркази мутахассиси

## Саримсоқ, асал ва сирка



Ушбу малҳам ҳатто саратонни ҳам енгиши мумкин! Астма, артрит, гипертония, беспуштлик, импотенция ва ҳатто саратон бу эликсирга қарши туролмайди.

**1 стакан олма сиркаси,**

**1 стакан янги табиий асал,**

**10 палла саримсоқ.**

**Тайёрлаш:** Саримсоқни тозалаб, сирка ва асал билан аралаштиринг. Аралашмани маҳкам ёпиладиган идишга жойлаштиринг. Аралашмадан оч қоринга ҳар куни 1 маҳал 1 ош қошиқдан ичиш, ичгандан сўнг камида 15 дақиқа ҳеч нарса емаслик керак.

## Зайтун ёғини қандай танлаймиз?



Зайтун ёғи қадоғида VIRGIN (табиий) ёзуви бўлиши керак.

Агар қадоқда «тіх» деб ёзилган бўлса, турли ёғлар аралашган бўлади.

Зайтун ёғининг фойдали хусусияти 5 ойгача сақланади. Ишлаб чиқарилган муддатига қаранг.

Ёғнинг кислоталилиги қанча паст бўлса, шунча сифатли бўлади (энг сифатли навида 0,8 %).

Сифатли зайтун ёғи фақат битта жойда ишлаб чиқарилади (IGP ёки DOR).

Зайтун ёғи шиша идишларда энг яхши сақланади.